ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

22 январь, пайшанба 1998 йил №9 (511)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

БОЗОРМИСАН, БОЗОР БЎЛАДИ — 2-БЕТДА

ДУГОНАНГИЗНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ? — 3-БЕТДА

ФАРҒОНА САОДАТИ — 4-БЕТДА

Самимий табрик Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бизнинг оиламиз Сизга ва оилангизга ушбу ажойиб байрам дўстларингиз ҳамда яқинларингизнинг ҳарорати билан йўғрилишини тилайди.

Саодатли Янги йил истаклари билан

Билл КЛИНТОН
Хиллари Родэм КЛИНТОН

Президент китоби Хитойда нашр этилди

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис йўлбошчимизнинг ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган мураккаб муаммоларга ўз муносабати, мустақил нуқтаи назари илмий асосда баён этилган бу асари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинди.

Яқинда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли акс эттирилган бу китоб Хитойнинг «Халқаро маданият» Давлат нашриёти томонидан босмадан чиқарилди. Бу эса Хитой жамоатчилигини истиқлол туфайли мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида юз бераётган тарихий ўзгаришлар билан янада яқинроқ таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жаҳон ҳамжамияти янги аср бўсағасида дуч келаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ечимига бағишланган мазкур асарда баён этилган теран ғоя ва хулосалар хитойлик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчиларга республикамизнинг бу масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳарактлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

/ЎзА/

Аллома тўйига тайёргарлик

Самарқандда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Унда Челак тумани Хартанг қишлоғида жойлашган аллома мақбараси мажмуида қутлуғ санага ҳозирлик ишларининг бориши муҳокама этилди. Имом Бухорий мақбараси янгидан барпо этилади, зиёратчилар учун дам олиш жойлари, кутубхона, маъмурий бино, янги жомеъ масжид ва бошқа иншоотлар қурилади. Юбилейга қадар бутун мажмуада катта миқёсдаги ободонлаштириш ишларини амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Таъмирлаш ишлари қадимий миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура ютуқлари акс этган махсус лойиҳа асосида олиб борилади. Бу хайрли ва улкан ишга меъмору муҳандислар, қурувчилар билан бирга халқ усталари ҳам кенг жалб этилган.

Имом Бухорийнинг муборак тўйига тайёргарлик кўриш ва нишонлашга ҳар бир ватандошимиз ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Р.Баҳодиров, Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ҳасанов иштирок этди.

/ЎзА/

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистондаги сиёсий вазият ҳамон барқарорлашмаяпти. Вужудга келган аҳволда иккала томон бир-бирини айбламоқда. Муҳолифат кучлари матбуот марказининг ходими Муҳаммад Юсуф Ҳакимзода қачон ҳукумат томони ўз устига олган мажбуриятларни бажарса, шундан кейин муҳолифат томони миллий яраш комиссиясининг ишларида қатнашиши мумкинлигини айтган. Ҳукумат вакилининг сўзларига қараганда Президент И.Раҳмонов муҳолифат томони билан учрашишга тайёргарлик кўрмоқда экан. БМТнинг Тожикистондаги доимий вакили Д.Меримнинг иккала томон раҳбарлари билан учрашуви кутилмоқда. Ушбу учрашувда вужудга келган вазиятдан чиқиш йўллари кўриб чиқилади.

***

Эрон радиосининг хабарича, мамлакат ташқи ишлар вазири Камол Харрозий Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби К.Ананга махсус мактуб йўллаб, уни Тожикистондаги вазиятни яхшилашда ёрдам беришга чақирган.

***

Кончилар шаҳри Жанатасдаги норозилик намойиши давом этмоқда. Би-Би-Си радиосининг берган хабарларига қараганда бу ерда жуда мушкул аҳвол юзага келган. Хонадонларга иссиқ сув, газ берилмай қўйилган. Электр энергия ва совуқ сув ҳам оз муддатга берилади. Унинг устига ишчилар 1995 йилдан бери маошларини ололмаяптилар. Кон раҳбарияти ишчилардан 7 миллион АҚШ доллари ҳажмида қарздор. Намойиш иштирокчиси Жамбул Шодиевнинг сўзларига қараганда 107 киши очлик эълон қилган. 30 ишчи эса оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

***

Туркманистонда бундан буён папирос ва сигаретларни реклама қилиш манъ этиладиган бўлди. Бу ишда Президент Ниёзовнинг ўзи ташаббус бошлаб чекишни ташлади. Сўнгра вазиру турли мансабдари амалдорлар ҳам аста-секин тамаки чекишни ташладилар. Яқинда чиққан фармонга мувофиқ давлат идоларида чекишга рухсат этилмайди. Солдат ва зобитлар ҳам бундан мустасно эмас. Республика ташқи ишлар вазири Б.Шахмуродов дипломатларни ҳам чекмасликка чақирган. Фармонга мувофиқ энди четдан тамаки маҳсулотларини келтириш ҳам камаяди.

Контрактация шартномаси қандай бажарилаяпти?

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Қишлоқ хўжалигининг хусусийлаштириш жараёни Иштихон туманида ҳам жадал бормоқда. Деҳқон (фермер) хўжаликлари сони йил сайин ортаяпти. Уларнинг 274 таси эса туман шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига бирлашган. Қишлоқ тадбиркорлари йилига (ҳозирги нархларда) 70-75 млн. сўмлик маҳсулот етиштиришади.

Лекин маҳсулотни яратиш билангина иш битмайди. Уни саралаш, сақлаш, қайта ишлаш каби жараёнлар амалга оширилиши керак. Бу тадбирларнинг тўғри йўлга қўйилиши эл дастурхони тўкин бўлишига ва, иккинчидан, деҳқон хўжаликлари ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Иштихонлик тадбиркор деҳқонлар бунинг моҳиятини чуқур англаб бирлашдилар. Сабабини ўзлари қуйидагича изоҳлашди.

ШАРОФАТ ҚЎШБОЕВА, деҳқон хўжалиги раиси: — Ихтиёримизга 19 гектар ер берилган. 1995 йилдан мустақил фаолият кўрсатаяпмиз. Ерларимиз адирликларда жойлашган. Насослар ёрдамида суғорилади. Бундай шароитда 11 гектарда пахта, 8 гектарда ток парвариш қилиш машаққатини англаш қийин эмас.

Шунга қарамай меҳнатимиз қадрланмади, шерикларимиз панд беришди. Масалан, Митан пахта заводи 1995 йил пахта ҳосили ҳисобидан 26 442 сўм қарз. Ҳанузгача тўлашгани йўқ. 1996 йилги пахтанинг пули — 174455 сўм С. Одилов номли жамоа хўжалиги ҳисобига ўтказилган. Бунинг 52 минг сўмига хўжаликдан уруғлик ғалла, чигит олдик. Қолгани-чи? Бунақада деҳқоннинг қўли ишдан совиши ҳеч гап эмас. Контрактация шартномаси мажбуриятларининг бажарилмаслиги деҳқонларни анча қийнаб қўйди. Натижада маслаҳатлашиб, 1997 йил шартномаларини туман деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси билан туздик. Адашмаган эканмиз. Уюшма 1997 йил ҳосили учун декабрь ойидаёқ тўлиқ ҳисоб-китоб қилди. Бундан ташқари уюшма ўғит, ёқилғи ва бошқа зарур воситалар таъминотини ўз зиммасига олди. Менимча, деҳқон пайкалдан узоқлашмаса ва панд емаса мўл-кўлчиликка эришилади.

ЭРКИН КЎМАКОВ, хусусий деҳқон хўжалиги раиси: — Биз ҳам 1995 йилда иш бошлаганмиз. Деҳқончиликдан ташқари чорвачилик билан ҳам шуғулланамиз. 20 бош қорамол бор. Контрактация шартномаларининг бажарилмаслиги туфайли юқорида айтилгани каби савдолар бизнинг ҳам бошимиздан ўтган. Маблағ бўлмагандан кейин ишлаб чиқаришни ривожлантириш мушкул-да. Ўтган йили уюшма орқали шартнома тузгач, аҳвол анча яхшиланди.

Шу ўринда бошқа бир дардимизни ҳам айтмоқчиман. Биз контрактация шартномалари бўйича мажбуриятларимизни ошиғи билан бажараяпмиз. Давлатимиз қонунларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошираяпмиз. Шунга қарамасдан турли идоралар томонидан жуда кўп марта текширишади. Гоҳ ерни ўлчашади, гоҳ мол бошини санашади, гоҳида техникамизни ёки жамғарилган озуқани ҳисоблашади. Бир йилда бир-икки марта тўлиқ текширишларига қарши эмасмиз. Қонунни бузмаган хусусий тадбиркорлар ортиқча безовта қилинмаслигини жуда-жуда истардик. Акс ҳолда мустақил фаолият ҳақида гапириб бўладими?

ИБОДУЛЛА БОТИРОВ, туман шахсий ёрдамчи ва деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси раиси: — Ҳамма даврларда бирлашганлар бир-бирини қўллаб-қувватлаганлар мақсадга етишган. Ҳукуматимиз тадбиркорларга мадад бераётгани бежиз эмас. Афсуски, жойларда шунга яраша иш қилинмаяпти.

Айрим далилларга эътибор қилинг. Уюшмага бирлашган деҳқон хўжаликларидан 1995-96 йилларда топширилган маҳсулотлар учун пахта заводи 6.5 миллион сўм, тумандаги жамоа хўжаликлари 12.5 миллион сўм, «Гўштсутсаноати»га қарашли корхоналар 3,5 миллион сўм, турли тайёрлов идоралари 1,5 миллион сўм қарз бўлиб турибди. Бундай шароитнинг ўзи тадбиркор деҳқон манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоялашни зарурат қилиб қўйди.

Ўтган бир йил ичида қишлоқ тадбиркорларининг ишончини оқлай олдик. Хўжалик суди ёрдамида «Аср» кичик корхонасига 135 минг, «Озод Тўрақулов» деҳқон хўжалигига 121 минг, «Иброҳим» фермасига 135 минг сўмлик қарз ундириб берилди. Бундан ташқари уюшма қошида «Улгуржисавдотаъминот» базаси, аудитор-консалтинг фирмаси, 8 та трактори бор техника корхонаси очилиб, деҳқонларга хизмат қила бошлади. 1997 йилда деҳқон хўжаликлари пахтадан 36 миллион сўм даромад қилди. Шунинг 29 миллион сўми тўлаб берилди. Бундан ташқари, ҳали деҳқон хўжаликларига тегишли 375 тонна тола, 60 тонна момиқ, 767 тонна чигит бор. Йил охиригача хомашёнинг белгиланганидек 90 фоиз пули тўланди.

Хуллас, деҳқон сарсонгарчиликдан қутулиб, маҳсулот етиштириш билан шуғуланишига эришаяпмиз. Ҳукуматимиз талабининг моҳияти ҳам шунда. Шериклар томонидан шартнома мажбуриятларининг тўлиқ бажарилиши ҳам бирлашишнинг, деҳқонни қўллаб-қувватлашнинг бир воситасидир.

Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Валя Волехина Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон» қурилиш бошқармасига қарашли 4-автокорхонада диспетчер бўлиб ишлайди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашда жонбозлик кўрсатаётир.

Суратда: Валя Волехина.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Янгилик

ЎЗИНГДА БЎЛГАНИ ЯХШИ-ДА!

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубида жойлашган энг йирик Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларида истеъмолчиларига катта қулайлик яратилди. Янги йилдан эътиборан салкам 400 минг аҳоли истиқомат қилувчи бу ҳудудга унни Нукус ва Тахиатош шаҳарларидаги комбинатлардан катта оворагарчиликлар билан ташиб келтиришга ҳожат қолмади. «Ўзингда бўлганга не етсин!», деганлари шу-да. Эндиликда бу муҳим вазифани «Тўрткўлдон» қошида ишга тушган ун ишлаб чиқарувчи корхона аъло даражада бажара бошлади. Бу ерда ҳар суткада 50тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Йил охирига қадар ана шундай энг муҳим табиий неъмат-18 минг тонна ун ишлаб чиқарилади. Аҳоли учун ҳаётий ва ўта зарур бўлган иншоот қурилишини асосан Жамбасқалъасув қурилиш бошқармаси аҳил жамоаси бажарди. Уларга Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларидан ёрдамга етиб келган махсус қурилиш -созлаш бригадаларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли иншоот гоят қисқа муддатда - икки ярим ойда битказилди. Қурилиш ва созлаш ишларига 50 миллион сўм ўзлаштирилди. Швейцариянинг «Бьюлер» фирмаси лицензияси асосида Россия ва Украинада тайёрланган асбоб-ускуналар ҳаражати учун эса 25 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Замонавий ун комбинати қурилиб фойдаланишга топширилиши муносабати билан шаҳар меҳнаткашлари, кенг жамоатчилик, Тошкент, Нукус шаҳарлари ва Хоразм вилояти туманлари вакиллари иштирокида тантанали митинг бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси Т.Камолов, «Ўздонмаҳсулот» давлат концерни раиси А.Атаев ва бошқалар тантанали митинг қатнашчиларини самимий равишда табрикладилар.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири

БЕРЛИНДА «ЯШИЛ ҲАФТАЛИК» ЎТМОҚДА

16 январда Берлиннинг Халқаро конгресслар марказида «Халқаро яшил ҳафталик» деб номланган қишлоқ хўжалик кўргазмасининг тантанали очилиши бўлди. Мазкур анъанавий тадбир доирасида Германиянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати бўйича ҳамкорларининг тақдимот маросими ҳам ташкил этилади.

1998 йилда Узбекистон Республикасининг Германия ва Шарқий Европанинг савдо соҳасидаги муҳим шериги сифатида кўрсатилгани табиий ҳолдир. Сиёсий барқарорлик, сармоядорлар манфаатларини ҳимоя этишни таъминловчи қонун ҳужжатлари хорижий, шу жумладан, немслар сармоясини мамлакат саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига жалб этишга кўмаклашмоқда.

Берлиндаги «Халқаро яшил ҳафталик» кўргазмаси ишида Узбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси В. Норов боғчилигидаги делегация иштирок этди. Ҳайъат таркибида республика вазирликлари ва саноат ассоциациялари намояндалари, қайта ишлаш ва савдо корхоналари раҳбарлари бор эди.

«Халқаро яшил ҳафталик» доирасида «Узбекистон иқтисодий шерик — озиқ-овқат саноатида савдо ва кооперациянинг имкониятлари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда ГФРнинг юздан ортиқ ширкат ва компаниялари вакиллари иштирок этди. Конференцияда сўзга чиққан Германия ва Узбекистон ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатларимиз ўртасида тадрижий ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида қониқиш ҳисси билан гапирдилар. Ўтган йили товар айирбошлаш қарийб бир миллиард немис маркасини ташкил этди, мамлакатимизга герман экспортининг миқдори 1997 йилнинг биринчи ярмидаёқ уч баробар ошди.

Германиялик ҳамкорлар конференция минбаридан туриб мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатларни юксак баҳоладилар. Жумладан, «Ландтехник» қўшма корхонаси раҳбари Франк Шуттпельц Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йилнинг баҳоридаги ГФРга расмий таширифи давомида германиялик тадбиркорлар билан учрашувдаги нутқини эслади. Ушанда Узбекистон раҳбари ишбилармонларни улкан хом ашё ва катта салоҳиятга эга бўлган еш республика иқтисодига дадилроқ сармоя киритишга чақирган эди. «Узбекистоннинг иқтисодий ислоҳотлар йўлида эришган натижалари салмоқлидир», — деб таъкидлади жаноб Шуттпельц.

Конференцияда Узбекистон сўнгги йиллар мобайнида ўз экспорт салоҳиятини фаол ривожлантиргани, унинг қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларига чет мамлакатларда талаб ортиб бораётгани таъкидлаб утилди. Республикамиз немис ширкатлари учун юқори сифатли сабзовот, мева, ёнғоқ, шарбат, турли винолар етказиб берувчи давлат сифатида қизиқиш уйғотмоқда. Бироқ Узбекистонда етиштирилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош булиши учун энг илғор технологияларни жорий этиш зарур.

Шу мақсадда узбек ишбилармонлари ва тадбиркорлари мамлакатимизга тупроққа ишлов берувчи ва уруғчилик агрегатлари, замонавий қайта ишлаш ва қадоқлаш мосламалари етказиб бериш юзасидан аниқ лойиҳалар билан Берлинга келдилар. Сабаби анъаналарга кўра «Халқаро яшил ҳафталик» кўргазмаси озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги янги лойиҳаларни кенг намоиш этади.

Узбек делегациясининг Германия Федератив Республикасидаги учрашув ва музокаралари, Европанинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши, шубҳасиз Узбекистон агросаноат мажмуига чет эл сармояларининг янада кўпроқ кириб келишига имкон яратади.

Б. МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА
махсус мухбири
Берлин — Тошкент

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Гондурас ва Сальвадор давлатлари ҳукуматлари чегара ҳудудларида инсон ҳуқуқлари ва фуқаролар мулкини ҳимоя қилиш тўғрисидаги келишувни имзоладилар.

***

Тайвань Бош вазири Винсент Сю Индонезия пойтахти Джакарта шаҳрида бўлди. Ў Индонезия раҳбарияти билан Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидаги молиявий инқирозни бартараф этиш масалаларини муҳокама этди.

***

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Босниядаги Сербия Республисининг янги Бош вазири этиб Милорад Додик сайланганини қизғин қўллаб-қувватлади.

***

Европа Иттифоқи раҳбарияти Осиёдаги молиявий инқироз Европа молиявий тизимига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ҳисобламоқда. Шу билан бирга, Европа банкларини эҳтиёткорлик билан иш юритишга ҳам чақирмоқда.

***

Босния да Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг янги вакили америкалик дипломат Роберт Бери иш бошлади.

***

Чехия парламентида мамлакат президентлигига сайловлар бўлиб ўтмоқда. Сайловда номзоди қўйилган уч кишидан Чехиянинг ҳозирги раҳбари Вацлав Гавелнинг имконятлари катта деб ҳисобланмоқда.

***

Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчи яқин кунларда Кубага ташриф буюради. Бу ерда Рим Папаси диний маърузалар сўзлайди.

***

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Жунг мамлакат аҳолисини мавжуд молиявий инқирозни чидам ва матонат билан енгишга чақирди. Президентнинг айтишича, Жанубий Корея халқи оғир иқтисодий синовларни бошдан кечиради.

***

Нью-Йорк адвокатлар уюшмасининг фикрича, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан узининг қарзларини дарҳол узиши керак. АҚШнинг ушбу нуфузли халқаро ташкилотдан қарзи 1,3 миллиард долларни ташкил этади.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасининг биринчи ўринбосари Баҳром Музаффаров билан суҳбат.

Ислоҳот одимлари

ФАРОВОНЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ЙЎЛ

- Баҳром ака, 1997 йилни ҳеч иккиланмасдан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги янги босқич, десак бўлаверади. Бу давр ўзгаришлари Жиззах вилояти тадбиркорлари ҳаётида қандай из қолдирди?

- Бозор муносабатларининг шаклланиши юртимизда хусусийлаштириш, қўптармоқли мулкчиликни барпо этиш, тадбиркорлик фаолиятини авж олдириш жараёнларини ривожлантириб юборди.

Ҳозирга келиб вилоятимизда мулклар давлат тасарруфидан деярли чиқариб бўлиниб, мулкдорлар қўлига ўтиб бўлди. Хусусийлаштириш бошланган дастлабки йилларда асосий эътибор миқдор кўрсаткичларга қаратилган бўлса, эндиликда сифат кўрсаткичлари асосий мезон бўлиб қолаётир. 1998 йилда вилоятда 81 та акциядорлик жамиятлари ташкил этилган бўлса, ҳозир улар сони вилоятда 226 тадан ошди. Бунинг натижасида вилоятимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин ортди. Айниқса бунда нодавлат секторининг улуши муносиб бўлмоқда. Чунончи, вилоят бўйича ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 82,5 фоизи, истеъмол молларининг 97,6 фоизи нодавлат секторлари ҳиссасига тўғри келади.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нодавлат секторига тўғри келиши хусусийлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишда тўғри йўлдан бораётганлигимизни кўрсатади. Хусусан, чорвачиликда сигирларнинг 99,7 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 98,6 фоизи, отларнинг 94,1 фоизи шу секторда парвариш қилинмоқда. Олинаётган гўшт, сут, тухум маҳсулотларининг 97,100 фоизи нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда. Бунинг ортида эса мулкдорлар синфи шаклланганини ҳам унутмаслик керак. Ислоҳотлар иқтисодий натижалар билан бирга ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этишга ёрдам бераётир. Вилоятда 50,35 километр ичимлик суви ва 147,9 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилиши ва уй-жойларнинг ишга туширилиши вилоятимизнинг чекка қишлоқларида ҳам ислоҳотларнинг дадил одимлаётганлигидан нишонадир. Буларнинг барчаси жиззахлик тадбиркорларнинг эртанги кунга ишонч билан қараётганлиги, ислоҳотлар йўлидан дадил ва шиддатли қадам ташлаётганлигини кўрсатади.

- Аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш жабҳасида қимматбаҳо қоғозлар бозорининг аҳамияти катта. Жиззахлик акциядорлар ҳақида гапирсангиз.

- Акция чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори фаолиятини янада кенгайтириш доимо диққат-марказимизда. Шу туфайли вилоятда давлат корхоналарини очиқ турдаги жамиятларга айлантиришга эътибор кучайтирилаяпти. Ҳисобот даврида жами 226 та акциядорлик жамиятлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларнинг Низом жамғармаси 1397 миллион сўмни ташкил этди. Ҳозир вилоятда 7 та брокерлик идоралари фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг кенг қатламини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш, давлат корхоналари акцияларини сотиб олишлари учун аҳоли орасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда «Приват-Инвест» инвестиция бошқаруви компанияси ва унинг қошидаги «Локо-инвест», «Леверидж-Инвест» хусусийлаштириш инвестиция фондларининг роли катта. Мазкур ХИФлар шу вақтгача 12 та акциядорлик жамиятининг давлат улушига тегишли акциясидан 30 фоизини аҳолига сотиш билан машғуллар.

- Қўшма корхоналар фаолиятини изчил йўлга қўймай туриб иқтисодий ислоҳотларда бирор натижага эришиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда. Чет эл сармояси қайси тармоққа кўпроқ жалб этилса, шу жойда иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги яққол кўзга ташланади. Жиззах вилояти тимсолида бу жараён қандай бормоқда?

- Дарҳақиқат, чет эл сармояларини вилоятимизга кўпроқ жалб этиш - ислоҳотлардан кутилган асосий мақсаддир. Фақат шу йўл билангина урта ва кичик бизнесни ривожлантириш, вилоятимизда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин ошириш ва бу билан кўплаб чет эл сармояларини жалб этишга мустаҳкам пойдевор қурган бўламиз. Қўшма корхоналар барпо этиш ана шу истак ва интилишларимизни рўёбга чиқариш имконини беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлиги қўшма корхоналар барпо этишга жуда катта эътибор бермоқда ва амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Бугунга келиб вилоятда 22 та шундай корхона мавжуд экан, 14 таси тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий низом жамғармаси 7207555 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб, қўшма корхоналарда шу кунгача 29,9 миллион сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

1997 йилнинг учинчи чорагида давлат улуши бўлган 2 та қўшма корхона вилоят Давлат мулки бошқармасидан экспертизадан ўтди. Булар Мирзачўл туманидаги «Қишлоқхўжаликтаъминлаштаъминоти» очиқ турдаги акциядорлик жамияти қошида Россия Федерациясининг «Владимир трактор завод» акциядорлик жамияти билан двигателларни қайта таъмирлаш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхонаси бўлиб, низом жамғармаси 350 минг АҚШ долларини ташкил этади. «Дўстлик туманлараро ишлаб чиқариш таъминот уюшмаси» очиқ турдаги акциядорлик жамияти қошида Россия Федерациясининг «Ёқилғи аппарат» заводи ва «Нелон-99» хусусий корхонаси билан ёқилғи аппаратлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона тузилиб, низом жамғармаси 350 минг АҚШ долларини ташкил қилмоқда.

Вилоятимизда табиий ресурслар ва хом ашё заҳираларининг сероблиги чет эллиқ тадбиркорларни ҳамкорлик қилишга чорламоқда. Жумладан, Жанубий кореялик тадбиркорлар Фориш туманида энг замонавий технологиялар асосида бир йилда 1,2-1,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқарадиган завод қуриш борасида келишиб олдилар. Шунингдек, «Ўздунробита» Узбекистон-Америка қўшма корхонасининг вилоят филиали иш бошлади. Қўшма корхонанинг низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб, вилоятда уяли телефон алоқаси бўйича хизмат кўрсатишга ихтисослашган.

«Ўзинвестлойиҳа» инжиниринг компаниясига танлаш учун 20 та бизнес лойиҳа таклифлари топширилди. Шулардан 2 тасига сармоя лойиҳалари ишлаб чиқиб, республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ҳуқуқий ва молиявий экспертизага тақдим этилди. Булар Бахмал туманидаги «Бахмал шароб» акциядорлик жамиятида минерал сувларни қадоқлаш бўйича Польшанинг 485 минг АҚШ долларлик линияси ҳамда Мирзачўл туманида ташкил этилаётган «Иржартекстиль» қўшма корхонаси тақдим этган 12,5 миллион АҚШ долларлик пахта толасидан ип ишлаб чиқариш линиясидир. Шу билан бирга республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига таклиф этилган 13 та лойиҳадан 10 таси молиялаштириш марказига тақдим этилди.

- Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни қандай кечмоқда? «Бизнес-фонд» тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида ўз олдига қўйган мақсадга эришаяптими?

- Вилоятимизда ҳисобот даврида кичик ва хусусий корхоналар деҳқон (фермер) хўжаликларидан 982 таси рўйхатдан ўтказилди. Шу тариқа улар сони бугунги кунда 2000 тага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шаҳар ва туманларда хорижий сармояларни олиб кириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Ҳозирча Ғаллаорол туманида 3 та ва Фориш туманида 1 та лойиҳа Узбекистон-Малайзия «Банк лойиҳа инвест» инжиниринг компаниясида экспертизадан ўтиш арафасида турибди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниҳоятда зарур. Бу борада уларга кредит ажратиш йўллари изланмоқда. Ҳисобот даврида «Бизнес-фонд»нинг вилоят бошқармаси томонидан 25 та тадбиркор ва фермерга 33,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит линияси очилиб, 21,7 (иккинчи босқич билан биргаликда) миллион сўм миқдорида кредит берилди. Кредитлар 3-5 йил муддатга берилиб, улар 15-26 фоизни ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, берилган кредитлар ва тадбиркорларнинг мол-мулклари «Мадад» суғурта агентлигининг вилоят филиали томонидан суғурталанди.

Биргина суҳбатда вилоятимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва қўламига батафсил тўхталиб ўтиш имкони йўқ албатта. Шуни ишонч ва умид билан айтиш мумкинки, иқтисодий ислоҳотларлар халқ фаровонлигига етакловчи бирдан бир тўғри йўлдир. Бу бугунги ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

Суҳбатдош: А.СОДИҚОВ.

Касаба уюшмалари: савобли ишлар

ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Трансформатор киоскасидан чиққан ўт электромонтёр Қўлдошбой Ҳожиевнинг қўлини, юз-бетини куйдириб кетди. Кулфат қош билан қовоқ орасида деганлари шу экан-да. Бу воқеа бир зумда юз берди, бир олам ташвишни ўзи билан олиб келди.

Қўлдошбой Ҳожиев зудлик билан шифохонага ётқизилди. Дард балосидан азоб чекди. Анчайин меҳнат қобилиятини йўқотди. Қоида бўйича юз берган бахтсиз воқеа ҳақида «Н-1» намунадаги ҳужжат тузиш керак эди. Тузилди. Унда асосий айбдор деб Қўлдошбой Ҳожиев кўрсатилганди. У шифохонадан қайтиб, бу ҳужжат билан танишгач, дардига дард қўшилди. У жон-дилидан хизмат қилса-да, хизматга туҳмат деганларидек, яна айбдор бўлиб қолса?! Раҳбарлар олдига бирма-бир кириб чиқди. Қанча ҳаракат қилмасин, югурмасин иш битмади, овора бўлиб қолаверди. Шунда адолатни тиклаш мақсадида касаба уюшмаларига мурожаат этишга жазм қилди.

Хат Республика маҳаллий, мебель саноати, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасига келиб тушди. Марказий қўмита бош техник нозири А.Бахтиевнинг катта тажрибаси, билими туфайли ҳақиқат тикланди.

Уша куни Қ.Ҳожиевга бир неча кундан бери чироғи ёнмаётган кўчанинг электр линиясини текшириш ва тузатиб келиш топширилганди. Электромонтёр симёғочларга чиқиб текширди. Ҳаммаси жойида. Шунда у подстанцияга кирган ва автомат нуқтасини босиб кўрган. Бефойда. Унинг устига рубильник носоз, предохранитель куйган. Созлашга интилган. Лекин трансформатор қисмларининг техник ҳолати техника хавфсизлиги талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли сиқиб турувчи пластинкага пичоқчалар кирмаган. Натижада монтёр омбур билан зўрлаб киритишга интилган ва фазалар тўқнаш бўлган ва кўнгилсиз воқеа содир бўлган.

Раҳбарлар эса ўзларига гап тегиб қолмасин деб айбни ходимга ағдаришга тушишди. Унга трансформатор киоскасига кириш айтилмаган, диэлектрик қўлқоп киймаган, деган даъволар билан ҳужжат тўлдирилган эди.

Бош техник нозир А.Баҳтиев оқни-оққа, қоранию-қорага ажратиб берди. Аввало Красногорск қўрғони электртаъминот бўлинмасида кўпгина техник носозликлар шундай воқеани юз беришига бош сабаб эди. Биринчидан трансформатор киоскасидаги қуча чироқлари рельси носоз бўлган, иккинчидан қуча чироғи электр қувватини улаш блоки ишламаган. Натижада, монтёр айрим деталларни ишлатиш тараддудида урнашга мажбур бўлган. Унинг устига трансформатор киоскаси олдида ишлаганда оёқ остида туриши керак бўлган тўрпоёндоз ва диэлектрик гиламча бўлмаган. Ҳатто киоска олдидаги бетон заминнинг чўкканлигига ҳам эътибор берилмаган. У эса трансформаторнинг баландда бўлиб, ишлашнинг ноқулай бўлишига сабаб бўлган.

Касаба уюшмаси ёрдами билан фуқаро ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинди. Қўлдошбой Ҳожиев барча ҳужжатларни расмийлаштириб, керакли ташкилотларга топширди. Юзи ёруғ бўлди.

Будир ПЎЛАТОВ.

Пудрат шартномаси: у қандай бўлиши керак?

ҲОСИЛИ МЎЛНИНГ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛАДИ

- Бизларга эркин меҳнат қилиш ҳуқуқини берган мустақил Узбекистонимизнинг янги тузумидан, бу йилги меҳнатимиз натижасидан хурсандман,- Пскент туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги пудратчиси Шоди Жўраев мамнунлик билан давом этди,- 6 гектар майдондан 19,2 тонна бўғдой йиғиштириб олдим. 16,3 тонна ғаллани жамоа хўжалиги билан тузилган шартнома асосида хўжаликка топширдим. Орттирилган ҳосилдан оиламиз эҳтиёжига ярашасини олиб қолиб, яна салкам 2,5 тоннасини ҳам хўжаликка қўшимча топширдим.

Хўжалик билан пудратчи деҳқон ўртасида имзоланган шартномада бўғдойни экишдан бошлаб то ҳосилни йиғиштириб олиб, хўжалик омборига топшириб, ҳақини олгунча бўлган жараён пухта баён этилган. Пудратчи ўз зиммасига ерни экишга тайёрлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, экинни ўғитлаш, суғориш, ёввойи ўтлардан тозалаш, пишиб етилган ҳосилни комбайн билан ўришга тайёрлаш, қўриқлаш каби вазифаларни олади.

Хўжалик пудратчига ер, уруғ, зарур техника, ўғит, сувни ўз вақтида етказиб берали, ойлик маош, шартномадаги ҳосилга ҳақ, қўшимча ҳосига эса устама ҳақ тўлайди.

Ўтган йилги имзоланган шартнома асосан ана шундай банддлар билан тўлғазилган.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ғаллачилик бўйича ўринбосари Исахўжа Қурбоновнинг таъкидлашича, ўтган йилги ҳосил учун Андижондан бўғдойнинг «Интенсив» навли уруғи олиб келиниб, 753 гектар майдонга экилган ва 121 нафар пудратчига тақсимланган. Кузда ниҳоллар бир марта ўғитланди, суғорилди. Баҳор ва ёз ойларида ҳам экинлар бир мартадан ўғитланиб, икки марта суғорилди. Ҳосилни йиғиш, ўриш, янчиш ишлари ўз вақтида ўтказилди. Биз суҳбатлашган пудратчилар Ҳаёт Акбаров ва Шоди Жўраевлар ҳам шартномада кўрсатилган ҳамма банддлар тўлиқ бажарилганлигини билдирдилар. Жумладан, Шоди Жўраев ортиқча ҳосилнинг 25 фоизи - 500 килограмм бўғдойни ўзига олган бўлса, шартнома мажбуриятига етмай қолган 1110 килограмм бўғдой ижарачи Ҳаёт Акбаровдан ундириб олинмади. Хўжалик бўйича йиллик ҳосиб-китоб тугагач, ҳамма пудратчи ғаллакорлар топширилган бўғдойлари учун тегишли ҳақларини оладилар. Агар табиий офат туфайли пудратчи шартномада кўрсатилганидан кам ҳосил топширган бўлса, камомад ҳам ҳисобдан чиқарилади, пудратчининг айби билан кам ҳосил олинган бўлса, ундан ундириб олинади. Ана шу банд бўйича шартномада бироз ноаниқлик юзага келаяпти.

Гектарлардан етарли миқдорда бўғдой ҳосили олиш учун албатта ўғуглиларнинг ўз вақтида экилиши, ниҳолларнинг парвариши агротехника қоидалари ва муддатларида олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Шартномада хўжалик томонидан ўғит қанча миқдорда, қайси вақтларда берилиши аниқ кўрсатилмаган. Агарда агротехника талабларидагидай 400 килограмм эмас, 200 килограммдан ўғит, у ҳам кечиктириб берилса, зарари хўжаликка эмас, пудратчига, деҳқонга тушиши аниқ эмасми? Масалан, ўғит шартномадагидан 200 килограмм кам берилиши оқибатида ҳосилдорлик пасайиб кетишидан келган зарар кимнинг гарданига тушиши ҳақида аниқ келишилмаган. Яна бир муҳим ноаниқлик - бўғдой пишиб етилган кунда хўжалик пудратчига комбайн етказиб бера олмаса, ўтган икки ёки уч кун ичида исроф бўлган ҳосилнинг зарари қанча миқдорда белгиланиши ва ким томонидан қопланиши шартномада баён этилмаган. Пудратчи шартномадаги мажбуриятидан кам ҳосил берса, етмаган ҳосилдан зарар давлат нархларида ёки хўжалик бошқаруви қарори билан бозор баҳоларида ундирилиши баён этилган. Демак, бу ҳолда хўжалик томонидан хоҳлаган нарх қўйилиб, пудратчидан ундириб олиниши мумкин. Пудратчи топширган ошиқча ҳосил учун ҳам нархни хўжалик белгилайди. Ушбу ҳолларда деҳқон манфаати, унинг ошиқча ҳосилдан келадиган фойдага эгалик манфаати камситилган бўлади.

Шартномада ўғит миқдори, неча марта сув берилиши, агар сув миқдори камайса, ҳосилга етган зарарга хўжаликдан қандай тартибда ундириб олиниши ҳам қайд этилмаган.

Икки томонлама имзоланган шартномада масаланинг ана шундай томонларига аниқлик киритилса, улуг неъмат яратувчи деҳқон манфаатлари ҳам тўлиқ ҳимояга олинган ҳамда харажатларнинг янада камайишига олиб келган бўлар эди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган биринчи чақириқ унинчи сессиясида Президент И.А.Каримов шундай деди: «Ҳозирги пайтда хўжакўрсинга эмас, ҳақиқатан ҳам оилавий пудрат муносабатлари жорий этилган кўпгина хўжаликларда меҳнатни ташкил этишнинг бу шакли қўшимча харажатларсиз меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг пасайиши, даромадларнинг ошишини таъминламоқда».

- Иш бор жойда айрим камчиликлар ҳам бўлиб туради,- деди раис ўринбосари И.Қурбонов,- меҳнаткаш пудратчиларимиз ерларни экишга тайёрлаш, ниҳолларни ўғитлаш каби ишларнинг ҳар бирида тежамкорлик, омилкорлик билан иш юритиб, бебаҳо бойлигимиз — бўғдой ҳосилдорлигини оширишга, натижада шахсий манфаатдорликнинг юқори бўлишига ҳаракат қилиш билан деҳқончиликда пудрат усулининг афзал эканлигини амалда исботламоқдалар.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Адибек Наврўзов Гулистон экстракт ёғ ҳиссадорлик жамияти қошида очилган «Шифобахш» кичик корхонасида шифокор бўлиб ишлайди. Қарийб 6 йилдан бўён фаолият кўрсатаётган шифо масканида кўплаб бемор ўз соғлиғини тиклашга эришди.

Суратда: Адибек Наврўзов (чапда).

Н.Алмуродов олган сурат.

Истеъмолчи манфаати муқаддас

БОЗОРМИСАН, БОЗОР БЎЛАДИ

Гулистон шаҳри яқинида бозор қурилмоқда. Мухбиримиз Сирдарё вилояти очиқ турдаги «Улгуржи» ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ҳиссадорлик жамияти раиси ҒАЙРАТ ҚЎШОКОВ билан учрашиб, бозор қурилиши хусусида суҳбатлашдик.

- Мамлакатимизда ўтган 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши вилоятимизда катта ҳажмда бунёдкорлик ишларининг амалга оширилишига туртки бўлди. Йил давомида 5,4 миллиард сумлик қурилиш ишлари амалга оширилди. 2286 ўринли мактаб, 600 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктлари, 142045 квадрат метр уй-жой қурилди. 120,9 километр табиий газ тармоқлари, 9,2 километр ичимлик суви қувурлари тортилди. Шунингдек, «ДЭУ Электроника», «СовПласт-Итал», «Супермаркет» дуконлари, «Гамбургер» кафеси «Кетсуа» ишлаб-чиқариш цехи каби кўплаб муҳим иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда қўрқ воҳамиз таровати, кўрки янада очилди. Ана шундай улкан ишларга ҳисса қўшаётганимиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Маълумки, жамиятимиз мустақиллигимиз мевасидир. 1997 йилнинг апрель ойида ташкил этилган. Низом жамғармамиз 144 миллион 75 минг сумни ташкил этади. Асосий вазифамиз қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, бунёдкорлик ишларини амалга оширишдан иборат. Ҳисобимиздаги маблағ асосий ва қўшма таъсисчиларнинг улушларидир. Фаолиятимиз кенг қиррали бўлганлиги туфайли жамиятимиз Низом фонди асосида узининг қимматбаҳо қоғози-акцияларини муомалага чиқарган.

- Ғайрат Убайдуллаевич, қурилаётган «Улгуржи ва кийим-кечак» бозори нафақат вилоят аҳолисига, балки мамлакатимиз ишбилармонларига ҳам катта имкониятлар яратиши шубҳасиз. Янги бозор ҳақида гапириб берсангиз?

- Янги бозор «Катта узбек тракти»нинг шундоққина ёқасида бунёд этилаётир. Умумий худуди 7 минг квадрат метрни ташкил этади. Бозорнинг бош майдонида 28 та савдо дуконидан иборат марказий павилион, фойдали иш саҳни 2592 квадрат метрни ташкил этувчи иккита савдо айвони, улгуржи харид омборлари 56 та савдо дукони, замонавий анжомлар билан таъминланган 324 квадрат метрли биржа савдоси маъмурий биноси, қишлоқ-хўжалик маҳсулотлари улгуржи харидини ташкил этадиган савдо майдони, ҳамда харидор ва истеъмолчилар учун барча имкониятлар яратишни назарда тутувчи омиллардан иборат.

Ўтган йили 88 миллион сумлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шунингдек, шаҳар ва туманлардан, қўшни вилоятлардан келган харидорлар учун 60 та автомобиль қўйиш жойига эга бўлган автобекат, электропоезд бекати қурилиши ҳам поёнига етказилмоқда. Бозор вилоят иқтисодиётини юксалтиришга муносиб улуш қўшибгина қолмаслан истеъмолчиларга ҳам катта қулайликлар яратиши шубҳасиз. Биз таъсисчилар билан келишган ҳолда 50 миллион 20 минг сумлик акцияларимизни эркин нархда биржа савдоси орқали сотилишини йўлга қўйганмиз. Айни чоқда вилоятимиздаги кўплаб корхоналар, кичик корхоналар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар уни сотиб олишяпти. Шуни айтиш керакки, акциямизни сотиб олган фуқароларга маълум имтиёз ҳам бор. Чунончи, акция эгаси бўлган фуқаро бозордаги катта савдо растасидан 1,5 метрлик майдонга умрбод эгалик қилиши мумкин. Шунингдек, биз билан ҳамкорлик қилаётган акция эгаси жамиятни бошқариш, унинг фаолиятини жонлантириши ва бошқа масалаларда фаол иштирок этади. Ҳар йилги фаолияти якуни ҳисоб — китобидан сўнг акцияси миқдорига қараб мумай даромад эгаси бўлади. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб элга, халқимизга манфаатим тегсин деб юрган ҳар қандай ишбилармон фуқаро билан ҳамкорлик қилишга доимо тайёрмиз.

— Халқимизда «Бозор бергани боланг бермайди» деган ибора бор. Янги бозорда хусусий тижоратчиларга ҳам ўрин борми?

Буни ҳам ҳисобга олганмиз. Халқимизни кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашда тижоратчилар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келишяпти. Шу боис бозорда ўз дукони бўлишини кўзлаган фуқаролар талаби ҳам инобатга олинган. Биз чиройли, бежирим қурилган дуконларни сотувга қўйишни режалаштирганмиз. Ҳар битта дуконнинг қиймати фойдаланиш саҳнига қараб 800 минг сумдан 1 миллион 600 минг сумгача сотилмоқда. Қисқаси вилоятимизда қурилаётган «Улгуржи ва кийим кечак» бозори ўз салобати, қуркам ва бежиримлиги билан бошқа бозорлардан ажралиб туради. Биноларнинг ўзига хос меъморий услуби, шарқона жилоси ута мафтункор бўлади. Бунда сотувчига ҳам истеъмолчига ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратилади.

Суҳбатдош: Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

БЎЛАЖАК ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейида ўтказилаётган ҳар бир тадбир ўқувчиларнинг касбга йўналтирувчи билим ва кўникмаларини ошириб боради. Навбатдаги тадбирда меҳмонлар кўп бўлди.

Назорат ўтказиш йўлагидаги навбатчи ўқувчилар сергакланиб, қадларини ростладилар ва Узбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазири Жўра Йўлдошев ва вазир муовини Хуснидин Маъсудовларни ҳарбийчасига салом бериб, кутиб олдилар. Лицей директори Собиржон Аҳроровнинг-«Лицей қаддингни ростла»-командаси янгради. Лицей ўқувчилари ва зобитларидан иборат шахсий таркиби саф тортган майдонга меҳмонлар кириб келдилар.

Ўқувчилар сафига назар солар экансиз, уларнинг ҳарбий сафда юриш сир-асрорларини мукаммал эгаллаганлигига амин бўласиз. Бу манзарани кузатаётган ҳар қандай одамда фахрланиш, ғурур ҳиссиётлари пайдо бўладиким, демак Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари етишмоқда. Унинг ҳар бир қарич ерини Амир Темур бобомиз авлодлари — мард ўғлонлар қўриқлайди деб, комил ишонч ила айта оламиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазири Жўра Йўлдошев лицей ўқувчилари билан учрашар экан, уларнинг ўз касбининг усталари бўлган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг қўлида билим олаётганини таъкидлаб ўтди. У ўқувчиларга билимларини пухта эгаллашга, тарихимизни, маънавиятимизни чуқур ўрганишга, замонавий фан-техника сирларини мукаммал ўзлаштиришга, ҳамда ўз халқига содиқ ҳақиқий ватанпарварлар бўлишларига тилак билдирди.

Шу куни учрашувга ташриф буюрган меҳмонлар истеъфодаги генерал-майор Абдуллажон Ортиқбоев, Александр Лисухин ҳамда Халқ таълими вазирлиги Фахрийлар кенгаши раиси Иброҳим Мўминовлар ҳам ўқувчилар билан бевосита қизғин мулоқотда бўлдилар.

Саҳнага Ўзбекистон халқ артистлари Бахтиёр Ихтиёров, Хайрулла Саъдиевларнинг чиқиб келишлари билан шўх ўйин-кулгилар бошланиб кетди. Санъаткорлар Зарифа Исмоилова, Асрор Тошканбоев, Ҳусан Мусабоевлар ҳамда қизиқчи ва сўз устаси Болтабой Тошматовларнинг ижросидаги аскарлар ҳаётидан олинган ячак узди ҳангомалар, ҳажвия ва интермедиялари бўлажак ҳарбийларни ҳушнуд этди.

Иристой ЭРГАШЕВ.

Касаба уюшма ҳаёти: қўшимча иш жойлари яратилмоқдами?

КУЗАТУВЧИ БЎЛИБ ҚОЛМАНГ

Мустақиллик туфайли қишлоқ аҳолисининг тўрмуш даражасини яхшилаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш сари қадамлар қўйилди. Кишиларнинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгармоқда. Тадбиркорлик ва ташаббускорлик кенг қанот ёймоқда. Лекин вилоят қишлоқ хўжалиги, айниқса, аҳолисининг ўсиши билан боғлиқ бўлган демографик жараёнларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлигини таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Қолаверса, бозор муносабатларини шакллантириш босқичида ишлаб чиқариш тизимининг, мулкчилик шаклларининг ўзгариши масалага тийракроқ кўз билан қарашликни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда тармоқдаги мулкчиликнинг нодавлат шаклида 2952 хўжалик, корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардаги ишловчилар сони салкам 200 минг нафарни ташкил этмоқда. Мулкчилик шакли ўзгариб меҳнатга муносабатнинг яхшиланганлиги туфайли олдин 2-3 киши бажарган ишни ҳозир бир киши бемалол уддаламоқда. Бундан ташқари кейинги 3 йил мобайнида 255 корхона, хўжалик иқтисодий заиф бўлганлиги сабабдан синганлиги оқибатида 3584 нафар қишлоқ аҳолиси иш жойини йўқотди. Агросаноат ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг навбатдаги мажлисида ана шу муаммони ҳал этиш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди ва олдинда турган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Бу ҳақда тармоқ қўмитаси раиси Иброҳимжон Мирзараҳматовнинг маърузаси тингланди ҳамда Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманлари тармоқ касаба уюшма қўмиталари раислари Мақсудхон Бегматова, Илҳомжон Мамадалиев, Муқаддамхон Муродова, Норин туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳусанбой Халилов, Наманган туманидаги «Навбаҳор» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси Нуъмонжон Тожибоевлар ўз фикр — мулоҳазаларини баён этдилар.

Дарҳақиқат, маърузачи ва нотиқлар республикамиз Президентининг касаба уюшмалар ХУ қурултойи олдидан бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари билан бўлган учрашувида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, айниқса, ишсизликнинг олдини олиш, вақтинча меҳнат ўринларини йўқотганларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни бошқа касбга тайёрлаш, ишга жойлаштириш тизимини яратишда касаба уюшма ташкилотларининг зиммасига алоҳида масъулият юкланганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар. Одамларни ишга жойлаштиришнинг ҳар бир қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят бўйича режалари бўлиши зарурлиги, шулар асосида шартномалар ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш юзасидан ҳудудий ва тармоқлараро битимлар тузиш кераклиги долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бинобарин, ўтган давр мобайнида тармоқ билан 329 та хўжалик, корхона ва ташкилотлар ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш юзасидан шартномалар тузилди. 1994 йилда тармоқ бўйича 347 та жамоа шартномалари расмийлаштирилиб, уларда ишсизликнинг олдини олишга оид 3817 та мажбурият киритилган бўлса, 1997 йилда 521 та жамоа шартномалари имзоланиб, уларда ана шу масалага оид 3125 та мажбурият ўз ифодасини топди.

Кейинги пайтларда вилоят қишлоқларида хомашёни қайта ишловчи корхоналар очишга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда чиқиш саноат тармоқларини ташкил қилишга аҳамият кучайтирилмоқда. Мингбулоқ туманидаги «Гигант» пахта тозалаш корхонаси қурилиши битказилиб, у ерда 280 нафар қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди. Поп туманида деҳқон-фермер хўжаликлари тузиш ҳисобига бир йилнинг ўзида 76 та иш ўринлари яратилди. Туманда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масаласида ҳам бир мунча ишлар қилиняпти. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойи мобайнидагина хусусий корхоналар ташкил этиш ҳисобига 123 та янги иш жойлари яратилган. Косонсой туманидаги Худойбердиев номли ширкатлар уюшмасида «Лочин» фирмаси очилиб 40 нафар қишлоқ аёллари тўқувчилик ва тикувчилик касбларида ишламоқдалар. Шунингдек, 3 жойда кичик корхона ташкил этилган. Бундай мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Лекин бу йўналишда олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигини очиқ айтиш керак. Тан олиш лозимки, бошлангич ва туман касаба уюшма қўмиталари томонидан жамоа шартномалари тузишда жойлардаги касаба уюшма фаоллари янги иш ўринларини яратиш бўйича мажбуриятлар таклиф қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Чунончи, Норин туманида хўжаликлар маъмуриятлари билан касаба уюшма қўмиталари ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга олиш юзасидан 30 та жамоа шартномаси тузилган. Мисол учун Катта Улмас жамоа хўжалигининг тузилган жамоа шартномаларидаги мажбуриятларда бекор қолган ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, кайлар алоҳида қайд этилган. Лекин шартнома мажбуриятларининг бажарилиши етарли назорратга олинмаган. Наманган туманидаги Р.Турсунов номли жамоа хўжалигида эса жамоа шартномасида ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари хўжалик хусусиятлари ва имкониятларини аниқ ҳисоб-китоб қилмасдан вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан тавсия этилган қўлланмада қандай тарзда ёзилган бўлса, худди ўшандай кўринишда айнан кўчирилган. Поп тумани тармоқ ташкилот ва хўжаликларида 1997 йилда 44 та жамоа шартномаси тузилган бўлса, шулардан

1998 йил — Оила йили

Боланинг тили ширин

Шаҳарлиқ қиз Шаҳноза қишлоққа холасиникига меҳмонга келганди. Ивитилган сомонни молга бераётган холасидан сўради:
- Ий-е, сигирила вермишель еб сут берадими?

***

Жажжи Наргиза қор қураётган акасига ялиниб:
- Акажон, сурининг тагидаги қорларни кураманг, хўпми.
- Нега курамас эканман?
- Ошхонада синдирган косамни қор тагига беркитувдим. Кўриниб қолса ойимдан гап эшитаман.

***

Нафиса қўғирчоғига деди:
- Овқатингни оқизмай е. Энийни кий қилма. Меҳмон келса-чи ойимни уялтилма.

***

- Жим ўтирсанг-чи, ҳури.
- Ойим бекор ўтирадиган вақт эмас, деганлар.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Ота-оналар бурчаги

БОЛА, ПУЛ ВА БОЗОР

Фарзандларимизни пул билан муомала қилишга қачон жалб этгаи маъқул? Агар жалб қилмайдиган бўлсак, бу нима учун? Болаларга майда харажатлари учун қанчадан пул бериб туриш керак? Ортиқча пул болаларни бузиб қуймайдими? Қатор саволлар ота-оналар, ўқитувчилар ва бола тарбияси билан машғул бўлган мутахассислар ўртасида доимо баҳс- мунозараларга сабаб бўлиб келган. Албатта, қўйилган саволларнинг ҳаммасига ҳам бирдан-бир тўғри жавобни топиш осон эмас.

Фикримизча, болаларни пул билан муомала қилишга қанчалик эрта ўргатсак, шунчалик фойдали бўлади. Уларни кундалик эҳтиёжларимиз учун зарур бўлган нон, қанд, чой, ёғ кабиларни харид қилишга ўргатишимиз лозим. Қолаверса, бу ҳам меҳнат тарбиясининг бир булаги. Катталар билан савдо-сотиқ жараёнига тенг қатнашиш болани руҳлантиради. Узини вояга етгандек ҳис қилади. Аксинча, ишдан чарчаб келаётган отаси ёки онаси қайтишда нон олиб келишини кутиб утирадиган, оила учун зарур нарсаларни харид қилишни билмайдиган болалар ҳам учраб туради. Ота-оналар фарзандларнинг овқатланиб олиши учун мактабга пул беришади. Болалар эса, берилган пулга овқатланиш ўрнига кўзига кўринган чиройли, лекин кераксиз нарсаларни сотиб оладилар.

Бу кўпинча бошланғич синф ўқувчиларига хос хусусият бўлиб, уларни нима сотиб олинаётгани эмас, балки кўпроқ уларни магазинга кириш, савдо жараёнига қатнашиш узига жалб қилади.

Усмирлик ва ўспиринлик даврида эса уларнинг кино-театрларга тушиши, ўзи ёқтирган биронта нарсани сотиб олиш эҳтиёжи бор. Бундай ҳолларда уларга қанча миқдорда пул бериш керак? Берилган пулга папирос олиб чекса-чи? Спиртли ичимлик олиб ичса-чи?

Шунинг учун ўсмирларга бироз миқдорда унинг кундалик сарф-харажатлари учун пул бериш, боланинг ўзини вояга етганлигини ҳис қилиш ва эркин тутишга ўргатади. Тенгқурларига ўхшаб ёнида пули бўлмаган ўсмир тенгдошлари олдида ўзини ноқулай сезиши , ўзини камситилган ҳис қилиши, ёнида пул билан юрадиган тенгдошларига ҳасад билан қарайдиган, аламзада кишига айланиши мумкин.

Агар ўғлингиз ёки қизингизга пул берган бўлсангиз, ҳадеб уни нималарга сарф қилганлигини сурайвериш - бу билан унга ишонмаётгандек ёки у ўзини эркин тутишига, мустақил қарорлар қабул қилишига тўсқинлик қилаётгандек бўласиз.

Агар болага пул бермоқчи бўлсангиз унга пул неча кунга берилганлигини сигарети ёки спиртли ичимликларга сарфламасликни айтиб, огоҳлантириб қўйиш керак.

Баъзи оилаларда болалар ёшликданоқ оиланинг бутун ишларига қатнашиб келганликлари учун ота-оналарини тежаб ва ўйлаб сарф қилаётганликларини кўриб, ўзлари ҳам ҳар бир сўмни тежаб сарфлашга ўрганадилар.

Оиланинг молиявий сарф-харажатлари билан боғлиқ масалалар болалар иштирокида ҳал қилиниши тавсия этилади. Бу болаларга оила бюджетини кирим ва чиқим, яъни сарф-харажатлардан иборат эканлигини тушуниб олишга ёрдам беради. Баъзан 14—15 ёшли ўсмирлар ёнидан бир даста пул билан юрганининг гувоҳи бўламиз. Агар шу миқдордаги пулни ота-она берган бўлса, албатта бу катта хатолик ҳисобланади. Агар бола ўзи ишлаб топган бўлса ҳам ота-она уларнинг пулини назорат қилиб туришлари керак. Баъзи бир ота-оналар, мутахассислар, бола ўқишини билсин, ишлаб нима қилади, ишлашга улгуради, деган ақидага риоя этишади. Бизнингча, ҳар бир ота-она, агар фарзанди таътил вақтида ёки ўқишдан бўш вақтда ишлаб пул топмоқчи бўлса, қаршилик қилмасликлари лозим. Албатта, бу иш унинг ўқишдаги ўзлаштиришларига салбий таъсир қилмаслиги керак. Бундан ташқари ота-она фарзанди қаерда, ким билан, нима иш қилишлигини аниқлаши лозим. Бола ўзи ишлаб пул топса, меҳнатнинг ҳам, топган пулнинг ҳа қадрини билади.

Ривоят қилишларича, бир кишининг ўғли ишёқмас, ота-она пулини қадрламайдиган бўлиб ўсибди. Ота фарзандини меҳнатга ўргатиши учун «Бугундан эътиборан ўз кунингни ўзинг кўргин» дейди. Бола эрталаб иш ахтариб кетади. Лекин меҳнат қилишга буйин ёр бермай, кечгача саланглаб, кечқурун уйга бўшашиб қайтиб келади. Бечора онаизор раҳми келиб, унинг қулига бир танга тутқазиб «Отангга бергин», дейди. Отаси тангани олиб «Тоғганинг шуми?» дейди-да, ёниб турган олов ичига отади. Бола эса пинагини ҳам бузмайди. Бу воқеа иккинчи куни ҳам такрорланади. Учинчи куни бола бир кишига мардикор бўлиб ёлланади ва кечгача ишлаб атиги бир танга топади. Бола тангани қўярга жой тополмай, гоҳ чўнтагига солар, гоҳ қулига олиб томоша қилар эди. Уйга келиб, зўр тантана билан отасига беради. Ота унинг бу тангасини ҳам олиб ўчоққа улоқтирган бўлади. Шунда ўғил ўрнидан даст туриб, оловга ўзини ташлаб тангани олмоқчи бўлади. Ота: «Ҳай-ҳай, ўғлим, тухта. Ўчоққа тош отган эдим. Мана тангани», — дея унинг пулини қайтариб беради. Ана кўрдингми, дея ҳулоса қилади ота, пешона тери тўкиб топилган нарса азиз ва қадрли, ширин бўлади.

Шуни айтиш жоизки, ота-оналар у ёки бу меҳнатга нисбатан болалар олдида нописандлик билан, камситувчи гаплар айтмасликлари, бу қора иш экан, бу тинч иш экан, деб бола танлаган ишни яхши-ёмонга ажратмасликлари керак. Тўғри, ота-она, ўқитувчилар боланинг жисмоний ва руҳий имконитларини яхши билганлиги учун унга у ёки бу касб-ҳунарни тавсия этишлари мумкин. Лекин мажбур қилмасликлари лозим. Биз катталар учун энг муҳими қилинаётган меҳнат ва унинг натижасидан бола завқ-шавқ ола билсин. Бола ўзи қилаётган иши ва топаётган даромади билан фахрлана олсин. Бу уни ортиқча муаммоларсиз вояга етишига, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига ёрдам беради.

Ҳозирги кунда болаларни савдо-сотиққа аралаштирмаслик, бозордан ҳайдаш керак, деган фикрлар учраяпти. Менимча, болаларни бозорга чиқишининг ўзида катта хавф йўқ. Агар ўқишни ташлаб, мактабга бормай, фақат бозорда куни утаётган бўлса, бу албатта ташвишли ҳолат. Жамиятимизда мавжуд бўлган муносабатларнинг барча кўринишлари: ўғрилик ва тўғрилик, ҳалоллик ва нопоклик, ёлғончилик ва ростгўйлик, танбаллик ва меҳнатсеварлик каби кўплаб хусусиятлар бозорда ўз аксини топади. Агар бола ҳалол-пок оилада вояга етган бўлса, бозордаги нопокликлар уни бузиб юбормайди. Бола нопоклик билан тўқнашганда ундан нафратланади. Узининг ҳалоллигига содиқ қолади. Қолаверса, бозор фақат каззоблардан иборат эмас. У ерда ҳам ҳалол меҳнати билан кун кечираётган кишилар ҳам кўп.

Бир пайтлари қишлоқларда томорқада етилган мева - сабзавотларни бозорга олиб бориб сотиш биз каби болалар шуғулланган. Чунки ота-оналаримиз, оиладаги катта ёшдагиларнинг деярли ҳаммаси ишда бўларди. Тенгдошларим билан ёзги таътилда қовун-тарвуз, помидор, бодринг, олма каби томорқадан чиққан нарсаларни сотиб, пулини ота-онамизга олиб келиб берардик. Улар мактабга керакли китоблар, дафтар-ручкалар, кийим-бошимизни олиб беришар эди. Бозорга бориб қўлимизга пул тушгани билан тенгдошларнинг бирортаси ёмон бола бўлиб кетмадик. Шунинг учун ҳозир ҳам ўз томорқасида етилган нарсаларни болалар томонидан бозорга олиб чиқиб сотишни тақиқламаслик керак.

Агар бозорга чайқовчиликка, бирни унга ўриш учун борилса, албатта бунда катта хавф бор. Бола ҳалол йўл билан эмас, алдамчилик, қўзбўямачилик билан пул топишга ўрганади. Жамият учун хавфли шахсга айланади. Мана бунга қарши курашиш лозим. Аввало бунга ота-оналарнинг ўзлари йўл қўймасликлари керак.

Мўминхон МАМАТОВ.

Фақат қизлар ўқисин

ДУГОНАНГИЗНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ?

Ёз кунларининг бирида кўпдан бери кўришмаган дугонам йўқлаб келди. - Лобар... ўргилайин ўртоқжон,- хурсанд бўлиб уни бағримга босиб кўришдим. Лобар ҳам мени кўрганидан шодлиги чексиз эди. Бир қишлоқда катта бўлиб, ўн йил мактабда бирга ўқиган эдик-да.

Болалигимиз, мактабда ўтган-кечирганларимизни эслаб, роса гурунг қилдик. Эҳ, ўша вақтлар қанийди қайтиб келса, - дея иккаламиз энтикардик. Қанча чақчақлашмайлик, дугонам хомушроқ эди.

- Сенга нима бўлди, кўзларинг ҳам ғамли,- деб сурадим Лобардан.

- Биласанми, сенга айтмасам бўлмайди. Яқинда тўйимиз бўлиши керак эди. Совчилар келишди, йигит билан учрашдим. У келишган, олий маълумотли, афсус... Чап қўл бармоқлари... Шундайлигига қарамай йигит менга маъқул бўлди, тўй тараддуди бошланди. Бир куни бирга ишлайдиган дугонам:

- Бармоқлари йўқ бўлса ҳам рози бўлдингми? Ҳамма устингдан кулади,-деди. - Шу кундан бошлаб юрагим ғашланиб, ота-онамга тўйни тўхтатинглар, дея жанжал қилдим. Улар менга кўп насиҳат қилишди, лекин қулоқ солмадим. Охирқибатда тўй бузилди. Йигит охирги марта кўрганида «бахтли бўлинг» дея жимгина кетди... Орадан тўрт йил ўтди. Бир куни холам уйимизга меҳмонга келганларида, ўша бармоқлари йўқ деб мен таъна қилган йигит уйланиб, фарзандли бўлганини айтиб бердилар. Мана, кўрганингдек, ҳали ҳам турмушга чиқмай, ўз тенгимни кутиб утирибман. Ҳар гал ўша йигитни эсласам, негадир юрагим орқага тортиб кетади, худди гуноҳкордек ўзимни-ўзим койиб утираман.

- Лобарга қандай таскин бериб, кунглини кўтаришни уйлар эканман, вақт ўтганини энди ҳамма чиройли сузларим кечикканини билсам-да, бефойда бўлса ҳам унга, албатта бахтли бўласан, дея далда бердим.

Лобар билан хайрлашиб, уни эшикда кузатар эканман, бўлиб ўтган воқеадан кейин бир қизнинг аянчли қисмати эсимга тушиб кетди.

Буни менга Наима исмли қиз ҳикоя қилиб берган эди.

Олийгоҳни тугатишимизга саккиз ой қолганди. Бир куни курсимиз сардори: «Эртага курсдошимиз Алининг туғилган куни, ҳамма туғилган кунга»-дея эълон қилди. Бормай десам, жамоадан ажралиб қолаётгандек туюлдим. Замонавий дугоналаримдан ажралгим келмай, кеч соат еттиларда Алининг хонасига ташриф буюрдик. Йигитларимиз дастурхонни нозу-неъматлар билан безатишган, спиртли ичимликлар ҳам бисёр эди. Ҳамма йиғилди, Алини табриклаб, қадаҳларни тўлдириб уриштирдик. Эрта билан радио овозидан уйғониб кетдим. Ҳар кунгидек ёнимда дугонам эмас, сочи жингалак бир йигит, курсдошим ётар эди. Яримяланғоч ҳолда бурчакка сиқилиб олдим. Нима бўлди, нега, нима учун, ишонган дугонам қани?..

Бир-биридан даҳшатли ҳаёллар, саволлар бошимни гир-гир айлантирарди, чидай олмай йиғлаб юбордим. Йигит ҳам мастлигини баҳона қилиб кўздан ғойиб бўлди. Дугонам эшикда иршайиб, гўё «баттар бўл» деяётгандек туюлди.

- Ўртоқжон, нима бўлди, нега, нима учун — дея унга ёлвордим.

- Нима, сенга балогардонманми ёки ёлланган энагаманми, айтчи, менга нима, сен билан ҳеч қачон дугона бўлмаганман,- дея жунади қолди. Ҳеч нарсага тушунмай, ҳайрона эдим. Менинг гуноҳим дугонамга ишонганиммиди? Мана, ёшим утиб бораяпти, совчиларни қайтаришдан бошқа иложим йўқ. Билмадим, бахтли бўламанми йўқми? Мени бахтсизлигимга сабабчи бўлган дугонам бахтлимикин, сиз нима дейсиз?

Бўлиб ўтган воқеалардан кўриниб турибдики, қизлар аксарият холларда яхши, содиқ дугона бўлолмас эканлар. Ҳаётда дугонасини ўзидан чиройли ва бахтли бўлишига ҳасад қиладиган қизлар ҳам учраб тураркан. Яна бир хулоса шуки, ҳаётга енгил қараб бўлмайди. Арзимас туюлган бир хато қизларимиз ҳаётини остин-устун қилиб юбориши мумкин. Кейинги пушаймон эса ўзингга душман, дейишади.

Сарвара ЖЎРА қизи.

«ЮРАК-ОДДИЙ БИР НАСОС»

Бундан 30 йил муқаддам Кристиан Бернард ўзининг биринчи юрак трансплантацияси билан оламшумул иш қилган эди.

Бонн. Бундан роппа-роса 30 йил муқаддам, аввалига унчалик таниқли бўлмаган жанубий африкалик жарроҳ Кристиан Бернард ўзининг дастлабки юрак трансплантацияси билан оламшумул иш қилади: Капштатдаги Грооте Шур шифохонасида тажрибали табиб илк бора юрак трансплантациясини инсон танасида синаб кўради. Бу протестант миссионернинг ўғли ўзининг илк муваффақиятига эришганида, нафақат касбдошларининг олқишига сазовор бўлибгина қолмай, балки оламшумул иш қилган эди. Жарроҳлик соҳасидаги бу каби ўринишларга кўпчилик, мазкур жараён шу чоққача фақат итларда синаб келингани учун, инсон танасида қўллашга ҳали эртароқ деган фикр билдиришган эди.

Бернард эса, уларнинг бу иккиланишидан оқилона фойдаланди. У ишбу жарроҳлик учун 55 ёшли Луис Вашанскийни танлайди. Бу беморни даволаган врачларнинг хулосаси бўйича, унинг атиги бир неча дақиқагина умри қолган эди. Бернард унга беш соат давом этган жарроҳликдан сўнг, бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳалок бўлган ёш ўспиринниг юрагини ўтказади. Лекин ҳаста 17 кундан кейин, бегона аъзонинг унинг танасига мослаша олмагани сабабли ўпка шамоллашидан ўлади. Шунга қарамай, бу ўриниш дастлабки ютуқ деб баҳоланди. Бернард кейинчалик: «юрак — ҳаёт, ўлим, севги ва руҳият билан чамбарчас боғланади», — дейди. Врач сифатида юракка нисбатан ўз фикрини баён қилар экан: — «юрак оддий бир насосдан бўлак ҳеч нарса эмас», — деган хулосага келади. Унинг иккинчи бемори тиш доктори Филипп Блайберг бўлиб, у бегона аъзо билан йигирма ой яшайди. Лекин шунга қарамай, эришилган ютуқлар барибир камлик қиларди.

1968 йил 52 клиникада 102 трансплантация ўтказилган бўлса, 70-йилларга келиб бу сон йилига 20 тага тушиб қолади. Бунга циклоспорин моддаси сабаб бўлади. Кўп ўтмай, 1980 йилдан буён қўлланила бошлаган бу модда тананинг бегона аъзога нисбатан мослаша олишига ёрдам бера бошлайди. Қисқа вақт ичида юрак трансплантацияси тиббиёти ақл бовар қилмас даражада юқори курсаткичга эришади.

Январь ойидаги статистик маълумотларга кўра Бернард дунё бўйича 40738 юрак ўтказиб, шундан 5000 тасини Германияда амалга оширган. Дунёнинг энг катта юрак марказлардан бири Берлинда жойлашган бўлиб, унинг бошлиғи Роланд Хетцернинг таъкидлашича, Бернард беморларининг 60 фоизи ҳозир ҳам ҳаёт экан. Бугунги кунда 80—85 фоиз беморларнинг яшовчанлиги бир йилга, 70 фоизи эса беш йилга тўғри келар экан. Ун йил бурун юрак хасталигига дучор бўлган энг машҳур марселлик вино сотувчиси Эммануэль Витриа, бошқа юрак билан 18 йил ҳаёт кечириб, ҳатто ўзини ўзини даволаган жарроҳдан ун йил кўпроқ яшаган.

«Зюддойче цайтунг» рўзномасининг 278-сонидан

Маҳмуд Бобоназаров таржимаси.

Болангиз билан бирга ўқинг!

Ishlagan tishlaydi

(Serb xalq ertagi)

Bor ekan-da, yo'q ekan, qadim zamonlar Matiya ismli qirol yashagan ekan. Qirolning qizi nihoyatda tanbal ekan. U hatto bir cho'pni ham u joydan bu joyga olib qo'yolmas ekan, erta-yu kech ko'zgu oldida o'tirgancha o'z husniga mahliyo bo'lgani-bo'lgan ekan.

Kunlar, oylar, yillar o'tib, nihoyat qizni uzatish muddati yetibdi. Qirol yurtga jar soldiribdi: kimki malikaga uylanishni xohlasa, u uch yil ichida qizni mehnat qilishga o'rgatishi lozim. Oradan ancha vaqt o'tsa ham hech bir xaridor chiqmabdi. Shundan keyin qirol a'yonlarni kuyov izlashga yuboribdi. A'yonlar har tarafga tarqalishibdi. Ularga dalada sakkiz ho'kiz bilan yer haydayotgan bir yigit duch kelibdi. Unga darhol qirol saroyiga borish buyurilibdi. Yigit saroyga qadam bosishdan hayiqsa ham, chorasiz qolibdi va qirol huzuriga kirib boribdi. Hukmdor yigitga shartni tushuntiribdi.

Yigit qizni uch yil mobaynida mehnat qilishga o'rgatishni zimmasiga olibdi. U qizni uyiga olib kelibdi. Ostonaga yugirib chiqqan ona malikaning malohatiga lol bo'lib qolibdi.

Ertasiga yigit ho'kizlarni qo'shga qo'shibdi-da, dalaga yo'l ola turib, onasiga malikani ishlatib, zo'riqtirib qo'ymaslikni iltimos qilibdi. U kechqurun daladan qaytib kelib, taom ustida onasiga qarab debdi:

- Oyijon, bugun kim ishladi ?
- Sen bilan men-da, o'g'lim, - deb javob berdi ona.
- Unda kim ishlagan bo'lsa, o'sha ovqat yeydi.

Bu gap malikaga yoqmabdi, jahli chiqibdi, ammo noiloj och qoringa yotib uxlabdi. Ertasi kuni ham xuddi shu hol takrorlanibdi. Uchinchi kuni kelin qaynonasiga murojaat etibdi:

- Oyijon, menga biror yumush bering, bekor otirmay.

Qaynona o'tin yorishni buyuribdi, kech kiribdi. Tamaddi paytida yigit tag'in onasidan so'rabdi:

- Oyijon, bugun kim ishladi ?
- Uch kishi ishladik, sen, men, kelinim.
- Yaxshi, bugun kimlar ishlagan bo'lsa, o'shalar ovqatlanishi mumkin.

O'sha kuni uchovlon ovqatlanishibdi. Shu zaylda malika asta-sekin mehnat qilishga o'rganibdi.

Uch yildan so'ng qirol qizni yo'qlab kelibdi. Qarasa, qizi qaynonasi bilan barobar yumush qilayotganmish. Shoh benihoya xursand bo'libdi:

- Mehnat qilishga qanday organding, qizim ?
- Judayam oson o'rgandim, - deb javob beribdi malika.
- Biznikida odat shuki, kim mehnat qilsa, o'sha ovqat yeydi. Agar sizning ham hozir ovqat yegingiz kelayotgan bo'lsa, oldin hovliga chiqib o'tin yoring. Qirol kuyovi bilan qiziga judayam ko'p sovg'a-salom keltiribdi, ziyofat berdiribdi, keyin qudasini ham qo'shib, uchovlarini saroyiga olib ketibdi. Qirol yigitni o'z o'g'liday ko'rib, toj-taxtini unga vasiyat qilibdi.

Sadoqat FAYZIYEVA tayyorladi.

«Ишонч» устахонаси

ЕНГИЛ АРАВА

Уй-рўзғор ишларида баъзан енгил аравачага эҳтиёж сезилади. Шундай ҳолларда унчалик оғир бўлмаган юкларни ташишда қўлбола аравачадан фойдаланишимиз мумкин. Ёғоч қути ҳар бир уйда топилади. Унга сиз болалар велосипеди, аравачаларидан ёки ёғоч ғўладан ясалган ғилдирак ҳамда дастани ўрнатсангиз бас. Уларнинг ўлчамлари ихтиёрий. Арава ўқини қутининг остига расмда кўрсатилгандек ўрнатинг.



Ҳошимжон ЭГАМОВ.
Расмлар муаллифники.

Мурод Жўраев ички ишлар бўлими ходими. Рафиқаси Ҳалимахон ҳамшира. Аҳил оилада Шаҳноза, Улуғбек, Ойбек вояга етмоқда. Ота-она эл хизматини бажонидил бажариш билан бирга фарзандлари тарбиясига ҳам катта эътибор беришмоқда. Оила ҳақида сўз кетганда Бахт шаҳридагилар уларни мамнуният билан тилга олишади.

Суратда: Мурод Жўраев онахони ва рафиқаси, фарзандлари даврасида.

Н.Алмуродов олган сурат.

ОҚИБАТ

Фарзанд ҳаёт гултожидир, дейишга одатланиб қолганмиз. Зеро, у оиланинг ҳам гултожи ҳисобланади. Лекин ота-оналик қадри-қиммати неча нафар боласи борлиги билан эмас, балки уларни қандай инсонлар қилиб вояга етказганлиги билан улчанади. Надоматларким, қаторлашган ўғил-қизи булатуриб, улуг ёшга етганларида ҳам челак кутариб сув ташиётган, қоп орқалаб бозор айланишга мажбур булаётганлар ҳам оз эмас.

Ишхонадан чиқиб, рузгор юмуши билан бозор тарафга кетаётганимда йўлакдан шошиб бораётган Содиқжонни учратиб қолдим. У мени кўрди-ю, қучоқ очди:

- Ассалому алайкум домлажон, уйингизни ахтариб бораётгандим. Тўй қиляпман, айтгани келдим.

Ҳол-аҳвол сурашгач, бозордан сал беридаги йўлка четига қўйилган ўриндиққа чўкдик.

- Ўғилчалар қулини ҳалоллаяпсизми, дейман-а,- деб сурадим.

Содиқжон тоғликларга хос оппоқ юзига ярашадиган табассум билан жилмайди:

- Синглимни узатяпман, домлажон, кенжа синглим Муҳаббатни. Шу билан елкамдаги охирги юкдан халос буламан. Укаларим, сингилларимнинг барини уйли-жойли қилиб бўлдим, ҳисоб.

... Содиқжонни 1981 йилнинг май ойида армия сафига чақиришди. Унинг касби «ҳам оппоз, ҳам шофер» эканлигини билганларидан сўнг ҳарбий бошлиқ:

- Сенга ўхшаш қўшалоқ касб эгалари биз учун сув ва ҳаволек зарур,- дея мамнун жилмайди.

Қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан сўнг тўппа-тўғри жанглар қайнаётган Афғонистонга қараб йўлландик. Кўплари эндигина мактаб партасини ва ота-она қучогини тарк этган кечаги ўсмирлар тушларида ҳам кўрмаган даҳшатларга дуч келишди. Олдинига Қобул атрофидаги жангларда қатнашдилар. Сал ўтмасдан Гардез, Қундуз, Мозори Шариф, Плухумри вилоятлари ва шаҳарлари теваракларидаги қонли тўқнашувларда иштирок этдилар. Ҳали она сути оғзидан кетмаган кўплаб нов-ниҳол йигитчалар нима учун жанг қилаётганликларини, бу дунё роҳат-фароғати нима эканлигини билмасдан ҳалок бўлдилар. Ҳам оппоз, ҳам ҳайдовчи сифатида Содиқжон Акбаров эса Афғон дала-даштларини ўқ ёмғирлари, граната ва бомбалар портлашувлари, снарядларнинг чийиллаб ёрилишлари остида улимини бўйнига олган ҳолда ҳўп кезди.

Декабрь ойи бошларида Жалолободга тошириқ билан боришганларида тезлик билан ўқдори юклаб ортга қайтишлари буюришади. Сезишдики, қисмларига душманлар ҳужум қилишган. Бир неча бор панадан узилган ўқларга чап беришади, икки марта ўзларига қарата ташланган гранаталардан ҳам омон қолишади. Лекин довондан ошиб ўтишганларида тун пардасини ёриб учаётган ўқ ёлқинлари кўринди. Жанг кетаётганди. Қисм ўрнашган пахса деворли пастқам иморатларга яқинлашганларида шундоқ автомашина ёнгинасида портлаган снаряд парчаси эшик деразаси ойнасини синдириб ўтиб бошига келиб тегади. Автомобилни гоҳ ҳушида, гоҳ беҳуш ҳолатда бошқариб пахса деворлар олдига келтириб тухтатди—ю, у ёгини билмайди.

Бир маҳал кўзини очиб узини ҳарбий шифохонада ётганини билди. Айтишларича, ун бир кунни беҳуш утказибди. Йигирма кун деганда Наманганда онаси келди. Икки ой даволаниб оёққа турган йигитни хизматга яроқли топишиб яна ортига қайтаришди. Аммо соғлигини текширган шифокорлар сал шошишган эканми, бир неча кун ўтмасдан у тагин ҳушини йўқотди. Йигитни дастлаб Қобулга, у ердан тагин шифохонага қайтаришди. Муолажа энди беш-олти ойга чузилди. Охири уйга жавоб беришди.

Онаси Содиқжон Афғонистонга қайтиб борган куннинг эртасига оламдан ўтибди. Колхозга кимевий дори ташиётган отаси эса доридан заҳарланиб бир неча ойдирки, туман касалхонасида оғир аҳволда ётган экан. Қаровсиз қолган онаси оиладаги бир этак боладан қуни- қўшнилар хабар олиб туришарди. Йигит бутун борлиги билан ҳаробага айланган оиласини тиклашга, укаларининг қорнини туйгазишга, бир умрга ногиронга айланган отасини парваришлашга тутинди. Ҳамқишлоқлари ҳам қараб туришмади, баҳоли-қудрат ёрдам қўлларини чўздилар. Сиҳатгоҳ раҳбарлари уни ўз бағирларига олдилар.

Нияти пок, меҳнаткаш ва серҳаракат одам кам бўлмайди, деганлари ҳаққи-рост экан.Содиқжон кундузлари ишласа, кечалари уйда рўзғорни бутлаш учун тиним билмади. Боғ яратди, мол-қуй қилди. Аста-секин оилага қайтадан барака кирди. Иморатлар қуриб, уйланди, бола-чақа ортирди. Бирин-кетин укаларини ҳам оилали қилди, сингилларини узатди...

- Ҳар галгидек бу safар ҳам тўй олдидан укаларимни бошлаб онам қабрини зиерат қилишга чиқдик,- деди ўриндиқдан қўзголаётганимда Содиқжон.- Ҳақларига дуо-фотиҳа ўқидик. Онамнинг руҳидан кенжа қизига бахт тилашлигини сурадим.

Содиқжон билан хайрлашарканман, ёз ойларида унинг отаси Эркинжон ака икковимиз учрашганимизда айтган сўзлари қулоқларим остида қайта жаранглагандек туюлди:

- Мен Содиқжондан мингдан-минг розиман,- деганди ўшанда Эркинбой ака.- Бир фарзанд бўлса шунча бўлар. Бурчини юз бор ўтади. Оиламиз таянчига, қайрилмас қанотига айланди. Бошқа ота-оналарнинг ўғли ҳам худди менинг Содиқжонимдек оқибатли фарзанд бўлишлигини Яратгандан тилайман.

Нанай қишлоғилик отанинг, падари-бузрукворнинг юрак-юрагидан чиқариб айтган бу нидосига менимча ортиқча сўз қўшишга ҳожат бўлмаса керак.

Ж. ОБИДОВ.

Ўзингиз уддалай оласиз

ТЕЛЕВИЗОРИНГИЗ БУЗИЛИБ ҚОЛСА...

Дейлик «Рекорд», «Рассвет», «Кварц», «Весна» телевизорларида тасвир яхши эмас. Стабилизатор билан ҳам аҳвол яхшиланмайди, ўзини тўғридан-тўғри токка уланса ишлайди. Бундай ҳолда асло сиқилманг. Носозликни тугатиш йўли осон.

Энг аввало бу ишга киришишдан олдин электр токидан стабилизаторни узиб қўйинг. Хўш, носозлик қаерда? Бундай носозликка телевизорлар ПТК блокидаги иккала лампа кўпинча эскириб қолгани сабаб бўлади. Уларнинг ўрнини алмаштиринг, шунда албатта ўзгариш бўлади. Негаки бу лампалар тез-тез ишдан чиқади.

Агар бу ҳам сизда қаноат ҳосил қилмаса, у ҳолда блокдаги 6Ф 1П ёки 6Н 23 П лампалардан биринн янгисига алмаштириш зарур бўлади.

Ёдгор ТУРЛИБЕКОВ.

Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги олдидан

Фарғона саодати

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг илк китоби «Аттоир» 1989 йили чоп этилган.

Унинг таржимасида Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» (1983 й.), «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол» (1989 й.) достонлари, Сайидо Насафийнинг «Баҳориёт» («Ким зўр?») асари (1986 й.) Низомийнинг ҳикоятлари — «Баққол ва Тулки» (1991 й.) нашр этилган.

Истиқлол шоир ижодига қанот бағишлади. Унинг таржимасида 1992 йилда, Ислом оламининг машҳур асари «Чор китоб» 1995 йилда «Илтифот», 1996 йилда «Замахшарийнома» шеърий мажмуалари, «Амир Темур» шеърий романи, 1997 йилда «Ғурурли миллат тимсоли» қасида достони ва «Муҳаммад Пайғамбар», «Ал-Бухорий» достонлари ва ҳадислар талқинидан иборат учлиги — «Маънавият гултожи» китоби Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишлаб нашр этилди.

Қуйида шоирнинг Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган «Фарғона саодати» достонидан айрим лавҳалар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Мана уч ойдирки ўтмоқда фурсат,
Аҳмад ал-Фарғоний қилмоқда хизмат.
Машҳур Баҳдоддаги «Байтул-ҳикма»да,
Тоҳ эрур кўнгилшод, тоҳи ғамзада!
Биринчи китобин яратиб Аҳмад,
Кўплардан эшитди алқишу раҳмат!
Илм бўстонига қўйиб илк қадам,
Топиб ўз ўрнини бўлди дилхуррам.
Ҳаёти ҳам бироз тушганди изга,
Уйланиб бағдодлик дилоро қизга,
Сарвижамол эди бекаси номи,
Тақводор шаҳслардан баланд мақоми.
Зодагон бир тожир айлабон домод,
Аҳмаднинг ўйини этганди обод!
Кимники бу фалак этса бахтиёр,
Ҳар жойда айлагай саодатга ёр.
Илмли ҳушҳулқу гўзал ҳар йигит,
Одоб-ла иш тутиб бўлса соҳибдид,
Доим мартабаси бўлгайдир олий,
Равиши гаровни эрур жамоли!
Аҳмад бор кучини бериб илмга,
Айланиб ўктам ва шаҳси ҳалимга,
Амал айлар эди «Ҳадис», «Қуръон»га,
Қаттиқ ғапирмасди бирор инсонга!
Ўйлаб ғапирарди ё сақлаб сукут,
Қизиниб фикрини айтмасди бехуд!
Буюк ҳикматларга банд эди фикри,
Дилида илм ила Оллоҳнинг зикри,
Битта китобига шукри беғоён,
Маошлик иш тонди тақсинга шоён!
Яна илм фаҳри улуғ ватандош,
Баъзи ишларига эди бошу қош,
Фалак илмидаги юнониий китоб,
Самовот илмига бағишланган боб,
Унга берилганди этгали тафдил,
Шу иш билан машғул кимки билса тил,
Пешма-пеш таржима этилиб асар,
Ўқилиб, айтилиб фикр мухтасар,
Бу ҳақда бир неча доно уламо,
Ишига яхши деб бериниб баҳо,
Таржима, изоҳин маққуллаб бутқул,
Ҳайрихоҳ эди ҳар соҳибтаҳайюл!
Мусо Хоразмию Ҳисом ал-Қалбий,
Фикр билдирмасди ҳеч қачон салбий!
Шунингдек Ал-Асбаъ фарзанди Ҳижоз,
Басрада яшовчи устоз Ал-Жиҳоз,
Фарғоний ишига эди хайрихоҳ,
Қашфиёти ила яшнаб илмгоҳ!

Аҳмад Фарғонийга айтишиб олқиш,
Дерлилар: «Бўлибди жудаям зўр иш».
Суфё бин Юсуфга ёқмай шуҳрати
Аҳмад истеъдоди, кучу ғайрати.
Рашку ҳасад ила этиб безузур,
Ғоҳо ишларидан қидириб қусур,
Бирорта камчилик тополмай охир,
Вале билдирмасди қалбида не сир.
Заҳар солмоқ эрур илоннинг иши,
Русумга айланди тез-тез чақиши!
Аҳмад бин Юсуфга қасддан атайин,
Ғазаби келса ҳам боқарди майин!
Қандай сўз душманни кулиб ўлдириш,
Атай ёрғачни намга тўлдириш.
Эй, одам тик боққил ғаним кўзига,
Ҳар ким нима қилса қилгай ўзига!
Бир кун Аҳмад эди таржима-ла банд,
Суфёи бин Юсуф зоти аржуманд,
Шитоб билан кириб келгани маром,
Аҳмад туриб унга деди: «Ассалом!»
Саломга аликсиз мисоли баттол,
«Нега машғулсиз» — деб айлади савол.
Аҳмад одоб ила айлади жавоб,
«Таржима, «фалакка» оид бир китоб!»
«Яна қилиб қўйманг дабдала, расво!»
Дея чиқиб кетмай машҳур уламо,
«Бопладимми» дея ичида қитмир,
Сўзим қилдими, деб Аҳмадга таъсир,
Бетамизлик ила келтириб ғишин,
Ёқолмайин лекин ғазаб оташи,
Кўзлари кўзига тўқнашган маҳал,
Аҳмад жавоб берди одоб-ла, гўзал:
«То қўлдан келгунча қиламиз ижро,
Кейин уламолар беришгай баҳо!»
«Ҳм» дея Суфёи бин Юсуф маъюс,
Чиқди хонасидан бўлиб ўлик тус!
Ҳар доим ким бўлса золиму ғаддор,
Ҳатто яхши сўздан чекади озор:
Хўрланган мисоли ул кони ҳасад,
Қасосга чоғлади ўзини абад!
Аҳмад Фарғонийчи уни унутди,
Қиладиган ишин этагин тутди.
Азалдан ким бўлса ҳақиқий даҳо,
Дунёни сув босса қилмагай парво!
Касби олимликми ёки подшолик,
Бирор иш юз бермас беамри Холиқ!

Олимжон БЎРИЕВ.

САХОВАТ ПЕША

«Сизларнинг яхшиларингиз-узоқ умр кўриш билан бирга яхши ишларни қиладиганларингиздир». Ҳадисдан.



Мен Саиджалол Маҳмудович Баҳромов ҳақида шогирдлари, дўстлари, ҳамкасабаларидан кўп эшитганман.

Бугун эса Саиджалол ака Баҳромов ҳақида, ҳаёти, ишлари ҳақида ҳикоя қилмоққа эҳтиёж сездим, чунки шундай инсонларнинг ҳаётий йўли ёшларимизга ибрат бўлиб, тарбиявий аҳамияти катта бўлади деган ўйлар қўлимга қалам тутказди.

Саиджалол Маҳмудович Баҳромов Тошкент вилоятининг Оққўрғон қишлоғида дунёга келди. У ёшлигидан одамларга яхшилик қилиш, уларнинг оғирини енгиллаштириш, қўлидан келганича фидоий бўлиш иштиёқини сеза бошлаганди. Ва буларнинг ҳаммасини адо этиш учун врачликка ўқиш кераклигини ҳис этди.

Тиббиёт институтини тугатган Саиджалол Баҳромовнинг олдида фан ва илмнинг катта йўли очилган эди. Аммо ёш мутахассис ўзи туғилиб усган Оққўрғонга қайтиб туман марказий касалхонасига врач, кейинчалик бўлим мудири, бир йилдан кейин эса Бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, туман поликлиникасида жарроҳлик туман тиббиёт ходимлари уюшмасига раислик, туманда очилган икки йиллик ҳамширалар курсига раҳбарлик қилди.

Аммо Саиджалол аканинг кунгли илмий иш қилиш орзуси билан банд бўлди.

Ва у Республика Қон-қуйиш ва гематология илмий- текшириш институти қошидаги аспирантурага кириб ўқиди. 1967 йилда «Ўткир лейкозлардаги аутоимунн жараёнлар» мавзусида диссертация ёқлади. Фидоий юрак Оққўрғон томон, ўша унинг учун тажриба ва ижод маскани бўлиб хизмат қилган туман марказий касалхона бағрига талпинди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги чиқарган қарорига қарамай у касалхонага бош врач бўлиб эмас, балки оддий мутахассис сифатида бориб, терапевтик бўлимни бошқарди.

Аҳоли орасида, айниқса ёш болалар орасида ўша пайтларда (1969-70 йиллар) қизамиқ касаллиги авжига чиққанлиги сабаб Саиджалол ака ўз билими ва тажрибасини шу йўлдаги изланишларга қаратди. «Қишлоқ жойларда қизамиққа қарши кураш тажрибаси» мавзусида ҳам амалий, ҳам илмий ишлар қилиб,Республика матбуотида ёритиб турди. Натижада қизамиқ билан оғриганлар сони кескин камайди.

У бош шифокорликдан яна Тошкентдаги Гематология ва қон қуйиш институтига таклиф қилинди, конкурс асосида илмий раҳбар ва директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишга қабул қилинди.

1982 йили эса»Гемолитик камқонликларнинг тарқалиши ва клиника лаборатор таҳлили» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, профессорлик унвонини олди. 1984-86 йилларда республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ва 4-бошқарманинг раҳбари: 1986-1991 йилларда эса соғлиқни сақлаш вазири лавозимларида ишлади Сўнгра 4 йил мобайнида Урта Осиё тиббиёт фанлар академиясига раислик қилди.

Қон хасталиклари бўйича тўплаган илм ва тажрибалари С.Баҳромовнинг 80 га яқин илмий мақолаларию рисолаларига асос бўлди. Собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси Тиббиёт генетикаси институтининг машҳур олимлари билан биргаликда «Қон тизими касалликлари»,»Эритроцит массаси ва унинг клиникада қўлланиши», «Гемотерапиянинг таркибий қисмлари»,«Темир моддаси танқис бўлган анемия»,«Узбекистонда гемотологик камқонликлар» номли китобларни нашр эттирди-ки, бу асарлар элимиз орасида камқонлик хасталикларининг олдини олиш, даволашда ниҳоятда керакли дастурлар вазифасини шу кунда ҳам утаб келмоқда.

С.Баҳромов жаҳон тиббиёти маълумотларини тўплашга ва янгиликларни тиббиёт ходимлари орасида тарғиб қилишга, жойларда реанимация бўлимларини ташкил эттиришга, неонтология марказларини ташкил қилишга катта аҳамият билан қаради. Яъни. нимжон туғилган чақалоқларни бир ой мобайнида стационар шароитида боқиб, даволаш лозимлигига эътиборни қаратди. Болаларда республика бўйича «Деаррея» (ич кетиш) хасталигига қарши курашни йўлга қўйди, Республикада Диагностика марказини ташкил қилдирди, моддий-техникавий базани кучайтириш масаласига эътибор қаратиб, амбулатория ва поликлиникалар томонидан аҳолига курсатиладиган хизмат қаттиқ ва доимий бўлишини назорат остига олди, ҳар йили 1,5-2 минг нафаргача талабаларни тиббиёт ва фармокология мутахассислигини кучайтириш мақсадида собиқ Иттифоқнинг энг нуфузли тиббиёт олийгоҳларида ўқитиб, билим олиб келишларига ёрдам беришни ўз бурчи деб билди.

— Республикамизда илгари оммага тиббий билимни олиб кирувчи матбуот органи етарли эмас эди. Биттагина шундай журнал булса, аҳоли шу журнал орқали онгини устира олса қандай яхши иш буларди деган орзу мени тинч қуймасди, — дейди Саиджалол ака. — Беш йил харакат қилдим ва 1990 йилда ўзбек она тилида ўқийдиган «Сиҳат-саломатлик» журнали ташкил булишига эришдим.

- Бир неча йиллар нарида республикамизда тиббиёт академиясини ташкил қилиш ҳақида масала кўтарилган эди...

- Ҳа, бу масалани раҳматли Шароф Рашидов 1970 йилдаёқ собиқ иттифоқ марказига мурожаат қилиб кўтарган эдилар. Кўп вақттача бу гап муаллаклигича қолиб келди. 1989 йилда хат билан Узбекистоннинг собиқ марказкоми ва Министрлар Советига чиқиб Ибн Синонинг юртида тиббиёт академик мактаблар яратилиши лозимлиги ҳақида фикр билдирдим. Барча қўшни республикаларга ўзим бориб ниятимни айтдим. Ниятим амалга ошиши оғир кечди. Бу харакатларга 2 йилни сарф қилдим. Ва ниҳоят 1991 йилда СССР Тиббиёт Фанлар Академиясининг Урта Осиё булими ташкил қилинди-ки, унга Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон тиббиёт ходимлари жаъм булиб, кутилмаганда мен унинг президенти этиб сайландим...

— Саиджалол Маҳмудович нафақат республикамизда балки жаҳонда олим сифатида донги таралган, катта обруга эга инсон. «Узбекистонда хизмат кўрсатган врач» С. Баҳромов 1996 йилда Нью-Йорк Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди, 1990 йилдан Халқаро Трансфузеологлар жамиятининг аъзоси, Россияда чоп этиладиган «Гематология ва транфузеология» журнали таҳририят кенгашининг аъзоси, — дейди Жўра Тожиевич Тожиев. — Бу ҳаммасига Баҳромов халоллик ва фидоий меҳнат орқали етишди деб ўйлайман. Унинг ҳар битта тиббий кашфиёти, ҳар битта илмий асари жаҳонга таниқли академик ва профессорлар назаридан четда қолмайди. Улар орасида Баҳромовнинг ҳурмати, обрўйи катта. Баҳромов каби инсонларни мустақил юртимиз пойдеворини мустаҳкамловчи устунларга ўхшатаман. Баҳромов ўз соҳасида мактаб яратиб, халққа катта билим хазинасини қолдираётган илм соҳиби. Ҳатто собиқ Иттифоқнинг деярли барча бурчакларида гемотолог ва трансфузеологлар Баҳромовдан таълим олиб, унинг мактабини утаган.

Халқимиз орасида камқонлик касали кўп учрайди. Бу долзарб муаммога айланиб келмоқда. Қарийб 70-90 фоизини хомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар ташкил қилади. С.Баҳромов билимдон мутаҳассис сифатида соғлиқни сақлаш вазирлигига одамларда қон кўпайтириш, гемоглобинни соғломлаштириш масаласига оид бир неча дастурлар ёзиб тайёрлаб берган. Уларда профессор бу масалани ечишда оммавий иш олиб бориш каби таклифларни ўртага ташлаган ва инсон танасидаги энг аҳамиятли аъзо қон бўлганлиги учун уни соғломлаштиришга катта аҳамият берган. Бунинг учун эса бутун жамоатчилик, касаба ташкилотлари, ҳокимиятлар, ЭКОСАН бирлашиб бу муаммони ҳал этишда ҳомийлик қилса, улуғ иш бўлар эди деган фикрни кўтаради...

Суҳбатимизга С.Баҳромовнинг шогирдларидан бири Республика Қон қуйиш ва гемотология илмий текшириш институти қошидаги поликлиниканинг бош врачи Габит Туйчиевич Калменов қўшилди:

- Бу гемоглобинни соғломлаштириш муаммосини Саиджалол Маҳмудович 1987 йилдаёқ кутарган.Биз Баҳромовдек инсоннинг шогирдлари эканлигимиздан фахрланамиз.

Асосийси, устозимиз узининг ҳаёти, феъл-атвори,ички маданияти ва илм ҳамда инсонларга булган муносабати билан ўзи билмаган ҳолда биз-шогирдларга,ёшларга катта мактабнинг тарбиясини беради.

Саиджалол Маҳмудович Баҳромовнинг касбдошлари, дустлари. шогирдлари ҳузуридан кучага кўтаринки руҳ билан чиқдим. Ташқарида пағ-пағ оппоқ қор бўралаб ёғар эди. Худди одамлар ниятидек оппоқ. Дилларда туғён ураётган эзгулик ва меҳрдек оппоқ. «Қор ёғиши тасодиф бўлмаса керак!» деган ўй ҳаёлимдан утди. Албатта, тасодиф эмас бу. Бу оқлик - оқ ниятли, оқ орзулик, элу юрт меҳри билан йўғрилган оппоқ дилларнинг акси эди.

Нодира РАШИДОВА.

Шунақаси ҳам бўлади

КАЙФИ ОШГАЧ...

Кечки зиёфатдан чиққан тюменли бу йигитнинг кайфияти шундай зур эдики, у кўчада учраган ҳар қандай одам билан ўпишиб кўришишга тайёр эди. Бахтга қарши унга ҳеч ким дучор бўлмади. У кўпқаватли уйини йўлагига кирган ҳам эдики, бурчакда совуқдан писиб ётган итга кўзи тушди. Оч қолган ит ундан бир нарса ундириш мақсадида йигитга яқинлашди. Йигит итни маҳкам ушлаб, тумшуғидан ўпа бошлади. Ундан анқиган ҳид ёқмади шекилли, ит қочмоқчи бўлди. Бироқ, йигит уни қўйвормагач, унинг қўлини тишлаб қочди.

-Яхшиямки, бурнингни узиб олмаяпти,-дея юпатишди ҳамширалар унга қутиришга қарши укол қила туриб.

Спорт • Спорт •

МДҲ КУБОГИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Футбол бўйича навбатдаги чемпионлар кубогига ҳам қуръа ташланиб, 16 жамоа иштирок этувчи ушбу мусобақанинг 4 гуруҳ вакиллари аниқланди.

Кубок ўйинларининг дастлабки баҳслари 24,25,27 январь кунларида бўлиб утади. Утган йилги мамлакатимиз чемпиони Марказий ҳарбий спорт клуби футболчилари Москвада утказиладиган кубок ўйинларида «С» гуруҳида иштирок этадиган бўлди. Армиячиларимиз дастлабки учрашувларини 24 январь куни Тошкент вақти билан 19.00 да МҲСК майдонида «Чемпионлар лигаси»нинг чорак финалчиси киевлик «Динамо»чилар билан утказишади. 25 январь соат 19.00 да «Спартак» ўйинги-ҳида юртдошларимиз Эстония чемпиони таллинлик «Флора» жамоаси билан, 27 январь куни эса худди шу ерда соат 19.00 да Озарбайжоннинг «Каряз» жамоаси билан тўп суришади.

Пойтахтимиз вакилларининг дастлабки рақиби «Динамо»чилар ҳозирги кунда Германияда сўнгги ўқув-йиғув машғулотларини олиб бормоқда. Машғулотлар давомида улар Германия биринчилигининг лашкарбошиси «Кайзерслаутерн» жамоасини 3:1 ҳисоб билан мағлубиятга учратишди. Клубда айтарлик унча катта ўзгаришлар йўқ. Фақатгина «Ростсельмаш»дан Герасименко, «Уралан»дан Анненков ва Ковалюклар «Динамо» таркибига ўтишди.

Бевосита Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубоги мусобақалари мукофот фонди ҳақида тухталадиган булсак, у 100 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ғолиб ва совриндорлар меҳнатларига яраша мукофотни асосий қисми билан тақдирланишади. Шуниси ҳам борки, чорак финалга етолмаган жамоалар ҳам фонд улушидан бенасиб қолишмайди.

Дониёр ЮСУПОВ

НОЖЎЯ ИШ-КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Истеъмолчи манфаати муқаддас

Узбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Тадбиркорлар, ишбилармон кишилар ва умуман савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчилар учун қулай имкониятлар пайдо бўлмоқда. Натижада юртимиз дуконларида, бозорларда, савдо расталарида хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари,кийим-кечаклар, ашёвий моллар ва бошқа товарлар кўпайиб, халқимиз эҳтиёжини қондиришга талайгина ҳисса қўшилаётганини кўриб турибмиз.

Узоқни кўзлаб ишлаётган, давлат томонидан белгилаб қўйилган қонун-қоидалар доирасида ҳалол фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳақида фақат яхши фикрни билдириш мумкин. Улар керакли маҳсулотларни ўзлари тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқдалар ёки чет элларга қатнаб, мол олиб келиб, харидорларга сотмоқдалар.

Аммо тадбиркорлик соҳасида қалбаки йўл тутиб, мумай пул топишга уринаётган кимсалар ҳам оз эмас. Улар харидорга яхши, сифатли маҳсулотни етказиб беришни ўйламайдилар. Аксинча, тезроқ даста-даста пул ишлаб қолиш мақсадида ҳеч нарсадан тоймай, сифатсиз, рухсати булмаган, технологияси бузиб тайёрланган маҳсулотларни харидорларга рўкач қиладилар.

Бу қандай оқибатларга олиб келаётганлигини қуйидаги мисоллар яққол тасдиқлайди.

...Кейинги пайтларда Бухоро вилояти ҳудудида таъқиқланган жойларда спиртли ичимликлар билан рухсатсиз савдо қилувчи шахслар пайдо бўлди. Улар сифат сертификати ва акциз маркалари булмаган, тайёрлаш манбаи шубҳали ичимликларни савдога чиқармоқдалар. Бу эса айрим кишиларнинг заҳарланишига ва ҳатто ҳаёт билан видолашувига сабаб бўлаётир.

Утган йил 28 октябрида Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида яшовчи фуқаро Александр Николаевич Йшук Вобкент шаҳрига келиб, Шуҳрат Мақсудов уйида спиртли ичимликни истеъмол қилади, сўнг Зарафшонга қайтиб боргач, оламдан кўз юмади. Ўй эгаси Шуҳрат эсаВобкентдаги марказий касалхонага қаттиқ заҳарланган ҳолда олиб келинади ва кўзи ожиз бўлиб қолади.

Шофиркон тумани Ф.Хўжаев жамоа хўжалигининг 1-бригадаси ҳудудида истиқомат қилувчи, Қоровулбозор тумани мудофаа бўлимининг хизматчиси, 1961 йилда туғилган фуқаро Зубайдулло Ғаниев ҳудди ўша куни кунгли айниб, безовталанган ҳолда касалхонага келтирилди ва кўп ўтмай вафот этди.

Ғиждувон тумани «Узбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи, 1966 йилда туғилган Дамир Ҳусенов утган йил 25 октябрь куни марказий касалхонада бу дунёни тарк этди.

Ғиждувон шаҳар А.Дониш кучаси, 59 уйда яшовчи, 1962 йилда туғилган Баҳодир Ҳамидов шубҳали спиртли ичимликни тановул қилгани сабабли 25 октябрь куни касалхонада ҳаёт билан видолашди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан туман прокуратураси, ички ишлар бўлими олиб борган тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида юқорида кўрсатилган фуқаролар А.Дониш кучасида яшовчи Ш.Қораевдан 5 бутилка ароқ сотиб олиб, ичганликлари аниқланди.

Умуман, 1997 йил охирларида Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент туманлари ҳудудида айрим кимсалар томонидан қўлбола спиртли ичимликлар тайёрланиб, сотилиши натижасида 20 нафар фуқаро қаттиқ заҳарланган, шулардан 12 киши оламдан кўз юмган.

Шундан сўнг Бухоро вилоятининг Давлат солиқ бошқармаси зудлик билан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида спиртли ичимликлар билан савдо қилаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг маҳсулотларини текширувдан ўтказишга киришди. 54 кишидан иборат 18 та тезкор гуруҳ тузилиб, вилоятдаги шаҳар ва туманларга юборилди. Бу гуруҳларнинг асосий мақсади-жойларда сотилаётган спиртли ичимликларнинг келиб чиқиш манбаларини, сифат сертификатларини, рухсати бор-йўқлигини, истеъмол қилиш учун яроқли ёки яроқсизлигини аниқлашдан иборат эди. Бу ишга вилоят санитария-эпидемология станцияси (СЭС) ходимлари, вилоят стандартлаш ва метрология марказининг мутахассислари, жойлардаги прокуратура органларининг ходимлари ҳам жалб этилди. Барча шаҳар ва туман Давлат солиқ инспекцияларининг раҳбарларига бу ишни шахсан назорат остига олиш ва қилинган ишлар бўйича ҳар куни тегишли органларга маълумот бериб туриш вазифаси топширилди.

Бунинг натижасида Бухоро вилояти ҳудудида спиртли ичимликлар билан савдо қилиш соҳасида бир талай камчиликлар ва ҳатто қонун-қоидага зид ҳолатлар мавжудлиги аниқланди.Жами 35 мингта ҳар хил спиртли ичимликлар сотувга чиқарилди.Уларнинг аксариятидан лаборатория қуригидан ўтказиш учун намуналар олинди. Қолганлари эса то масала ойдинлашгунча муҳрлаб қўйилди.

Чунончи,Қоровулбозор тумани ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 18-сон дуконда 28 та «Шоҳруд» арогининг сифат сертификати ва акциз маркаси бўлмаганлиги аниқланиб,шундан иккитаси лабораторияга кўригидан ўтказиш учун олинди, қолганлари омборга олиниб,муҳрланди.СЭС ходимининг ҳулосасига кўра, бу ароқлар қўлда тайёрланган.

Вобкент тумани «Амударё» кичик корхонасига қарашли ошхонада («Пахтакор» жамоа хўжалигининг 1-бригадаси ҳудудида жойлашган) 0,5 литрли шиша идишдаги 109 та «Русская водка» ароғи, 5 та «Узбекистон» араги, 11 та «Шоҳруд» ароғи текширилганда улар корхонага кирим қилинмаганлиги маълум бўлди. Акциз маркаларининг ҳақиқийлиги текширувдан ўтказилганда «Шоҳруд» арагининг ҳаммасига ёпиштирилган акциз маркалари сохта бўлиб чиқди.

Вобкент шаҳар Ғ.Ғулом кўчасида яшовчи «тадбиркор» Файзи Муҳамедовга қарашли, 0,5литрли 10 та «Шоҳруд» арогининг акциз маркалари ҳам сохта эканлиги аниқланди.

Ҳозирги пайтда булар хусусида суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Бундай мисоллар бошқа вилоятларда ҳам учрамоқда.Масалан, Сирдарё вилояти олайлик.Бу ҳудудда ҳам хонаки ароқларни тайёрлаб сотувчилар кўпайиб қолганлиги ташвишли бир ҳолдир.

Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан олинган маълумотларни текшириш учун Ширин шаҳар Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигида 1997 йил 11 декабрь куни рейд ўтказилганди. Мазкур текширув натижасида қуйидагилар аниқланди:

Ширин шаҳар Нодирабегим кучаси 38-уйда яшовчи фуқаро Сафарали Қорабоевнинг уйидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган 316 шиша хонаки ароқ, ароқ тайёрлайдиган асбоб-анжомлар топилди.

Шу шаҳардаги Фарҳод ГЭСи поселкасида истиқомат қилувчи фуқаро Даврон Ҳамидов ҳам ароқ тайёрлаш учун махсус асбобларни,бўш шиша идишларни жамлаб қўйганлиги маълум бўлди...

Давлат солиқ қўмитаси, айниқса, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ишларини кейинги вақтларда қаттиқ назорат остига олди. Бу хил текширувлар республикамизнинг деярли барча шаҳар ва туманларида мунтазам равишда, режали асосда олиб борилаётир. Аниқланган камчиликлар ва қонунни бузиш ҳоллари ҳусусида тегишли органларга маълумотларни ўз вақтида хабарлар берилиб турилибди.

Сир эмас, бугунги кунда ҳамма нарса бозорларга чиқиб кетган. Ҳозир бозордан гўшт, қуруқ ва ҳўл мева, қандолат маҳсулотлари дейсизми, гиламлар, кийим-бош, пойабзал дейсизми, телевизорлар, магнитофонлар, музлатгичлар, ҳар хил майда-чуйда асбоб-анжомлар дейсизми- ҳамма-ҳаммаси топилади.Шулар қаторида турли спиртли ичимликлар, сигаретлар, бошқа хил тамаки маҳсулотлари билан ҳам савдо қилинади.

Аммо, юқорида қайд этилган камчиликлар, қонун-қоидани бузишлар бозорларда ҳам учрайди. шу боис Давлат солиқ қўмитаси вақти-вақти билан бозорларда рейдлар уюштириб, уларда сотилаётган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини назоратдан ўтказмоқда.

Ўтган йил охирларида, аниқроғи 25 ва 26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Паркент» бозорида ана шундай рейд ўтказилди. Натижада акциз маркаси булмаган ҳолда сотувда чиқарилган 994 бутилка ароқ-вино маҳсулотлари (умумий қиймати 149,1 минг сўмга яқин) ва 6190 пачка тамаки маҳсулотлари (умумий қиймати 450 минг сўм) шунингдек ана шу маҳсулотларни ғайриқонуний йўл билан сотишдан тушган 90,2 минг сўм нақд пул мусодара қилинди.

Фуқаро М.Худойбердиев ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган ҳолда, сифат сертификатисиз спиртли ичимликлар билан савдо қилган, у сотаётган ароқларга акциз маркалари ёпиштирилмаган. Натижада унга тегишли булган ва қонун-қоидага зиддф равишда сотилаётган 900 бутилка ароқ тортиб олинди ва мусодара қилинди.

Фуқаро А.Убайдуллаев ҳам тегишли ҳужжатларни ва акциз маркалари бўлмаган 1320 пачка сигаретани (умумий қиймати 71 минг сўм) пуллаётганида қўлга олинди. Бу сигареталар ҳамда тамаки маҳсулотларини ғайриқонуний йўллар билан сотишдан тушган 68 минг сўмга яқин нақд пул мусодара қилинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аниқланган ҳолатлар бўйича ҳозир текширув ишлари олиб борилмоқда. Қонунбузарлар тегишли жазога тортилиши турган гап.

Ҳўш, бу мисоллар нимани кўрсатади?

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, айрим виждонсиз одамлар ўзларини «ишбилармон» деб билиб, ғайриқонуний савдо билан шуғулланмоқдалар.

Аслини олганда, ҳақиқий тадбиркор ўз маҳсулотини харидорга сифатли ҳолда, бежирим кўринишда тақдим этишга, харидор билан ҳалол муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Бундан ҳар икки томон-сотувчи ҳам, харидор ҳам ютади: сотувчи маҳсулотини сотганидан, харидор эса яхши, сифатли маҳсулотни сотиб олганидан мамнун бўлади. Яхши мол эгасининг мижозлари ҳам кўп бўлади. Бу чинакам бозор иқтисодиётининг қонуниятларидан биридир.

Дарҳақиқат, савдо-сотиқ соҳасидаги энг муҳим нарса-бу харидор ишончини қозониш, унинг талаб-эҳтиёжини қондиришдан иборат. Бироқ, бу ишлар давлатнинг тегишли органлари томонидан белгилаб қўйилган қонун-қоида асосида бўлиши керак. Ҳуллас, савдо-сотиқ ишлари ҳамиша ҳалоллик, яхши муносабат негизига қурилмоғи лозим.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, савдо-сотиқ соҳасида ғирромлик йўлига ўтиб олиб, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланаётган, мумай пул орттириш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай, фақат ўз манфаатини кўзлаётган, бошқа одамларнинг соғлигига зиён этиши мумкинлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаётган айрим кимсаларнинг таноби қаттиқроқ тортиб қўйилмоғи лозим. Энг муҳими-улар ўз қилмишлари учун жазосиз қолмасликларини билишлари керак.

Агар биз савдо-сотиқ соҳасида виждонан ва ҳалол фаолият юритишга эришсак, одамларни шунга ургата олсак, тадбиркорлик ишларини харидорларнинг ишончини қозониш даражасига кўтарсак, бундан ҳамма баб-барабар наф кўриши шак-шубҳасиздир.

Темур ТУРСУН, журналист.

Бўка туманидаги «Қора қўйли» деҳқон фермер хўжалиги

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва маиший бинолар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.

Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.

Ташкилот ва корхоналардаги,шифохона, санаторийлардаги,дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги,спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.

Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати. Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79.Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Намангада - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0912. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Масъул навбатчи: Нодира РАШИДОВА 1 2 3 4 5 6